201 A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

# Ҳар кунимиз Наврӯз бӯлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA • info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 12 (1233) • 2019-yil 22-mart, juma

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврӯз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сӯзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу тароватли кунларда табиат уйғониб, гӯзал диёримизга барчамиз орзиқиб, соғиниб кутган Наврӯзи олам кириб келмоқда.

Минг йиллар давомида маънавий ҳаётимизнинг кӯрку зийнати бӯлиб келаётган бу ажойиб, хосиятли байрам бугун қалбларимизга яна чексиз қувонч ва завқ бағишламоқда.

Азим пойтахтимизнинг марказида бунёд этилиб, яқинда фойдаланишга топширилган муҳташам "Ҳумо" кошонасида сиз, азизларни, сизлар орқали кӯп миллатли бутун халқимизни Наврӯз байрами билан чин қалбдан табриклашни ӯзим учун катта шараф, деб биламан.

Мана шундай файзли, шодиёна айёмда барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва овулларда Наврӯз сайлини ӯтказаётган барча-барча юртдошларимга юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳаётингиз баҳор тонгидек тиниқ, бахтли ва фаровон бӯлсин!

Шарқона Янги йилимиз — Наврӯзи оламнинг қадами қутлуғ ва баракали келсин!

Ҳурматли дӯстлар!

Айни шу бетакрор ва дилбар фаслда барчамиз ӯзимизни яшариб кетгандек, вужудимизга янги куч-ғайрат, азму шижоат киргандек ҳис этамиз. Неча юз йиллик анъана ва қадриятларимизни янгитдан кашф этамиз, қандай буюк тарих, қандай буюк маданият ворислари эканимизни яна бир бор англаймиз. Ва бундан қалбларимиз ғурур ва ифтихорга тӯлади.

Бу йилги Наврӯз байрами ушбу муаззам саройда ӯтаётганида ӯзига хос рамзий маъно бор, албатта. Афсонавий Ҳумо қуши — эзгулик ва бахт тимсоли, Наврӯз эса баҳор ва бахт айёмидир. Бу икки улуғ тимсол, яъни Ҳумо ва Наврӯз фалсафаси ӯзаро уйғун бӯлиб, ҳаётимизни янада мазмунли ва мунаввар этгай, иншооллоҳ.

Азиз юртдошлар!

Барчамизга маълумки, Наврӯз — янги кун, янги фасл демакдир.

Бугун она табиат бағрида янгиланиш ва яшариш фасли бошланмоқда.

Жонажон Ӯзбекистонимиз ҳам бугун ӯз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қӯймоқда.

Бу — эркинлик ва озодликнинг янги даври, бунёдкорлик ва фаровонликнинг янги, юксак босқичидир.

Бу — **"Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ"** деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ӯз тасдиғини топаётган даврдир. Янги-янги уй-жойлар, замонавий корхоналар, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, обод қишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қӯшаётган давр бу.

Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, мададга муҳтож инсонлар ва оилаларга чинакам кӯмак ва ёрдам бериш, меҳр-оқибат кӯрсатиш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётган давр бу.

Бу — жаҳон ҳамжамияти билан, энг аввало, яқин қӯшниларимиз билан дӯстлик ва ҳамкорлик эшиклари кенг очилаётган замондир.

Бу — ӯзгариб, куч-қудратга тӯлиб бораётган, дунё аҳли эътироф этаётган янги Ӯзбекистондир.

Айни вақтда буларнинг барчаси — биз танлаган олис ва машаққатли йӯлдаги дастлабки қадамлардир.

Бугун кӯпни кӯрган, мард ва олижаноб халқимиз ӯзининг фидокорона меҳнати билан, келажакка мустаҳкам ишончи билан шонли тарихимизнинг янги саҳифасини яратмоқда.

Ушбу қутлуғ айёмда мана шундай меҳнаткаш, матонатли, бағрикенг, Ватанга садоқатли халқимизга фарзандлик меҳрим билан чин юрагимдан таъзим қиламан.

Муҳтарам дӯстлар!

Наврӯз ӯзининг ӯлмас руҳи, умуминсоний ғоялари билан башарият ҳаётидан тобора чуқур ӯрин эгалламоқда. Барчангизга аёнки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори билан 21 март — бутун дунёда Халқаро Наврӯз куни сифатида кенг нишонланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кӯрсатиб, мана шу муҳташам кошонамизга ташриф буюрган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, барча хорижий меҳмонларимизни, олис ва яқин мамлакатлар халқларини Наврӯз байрами билан табриклаб, уларга тинчлик, равнақ ва фаровонлик тилашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Бепоён юртимизни қамраб олган халқ сайилларида бугун **"Ҳар кунимиз Наврӯз бӯлсин!"** деган эзгу тилаклар янграмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, Наврӯз ӯзининг буюк қудрати билан табиатни уйғотмоқда. Ислоҳотлар эса жамиятни, халқимизнинг онгу тафаккури, беқиёс салоҳиятини уйғотмоқда.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳот ва ӯзгаришлар айни шу улуғ мақсадга — ҳар кунимиз Наврӯз бӯлишига, яъни эл-юртимиз ҳаётининг обод ва фаровон бӯлишига қаратилганини сиз, азизлар яхши биласиз. Биз шу йӯлда ӯз олдимизга улкан марра ва вазифаларни қӯйдик ва уларни халқимиз билан бирга албатта амалга оширамиз.

Бугун миришкор деҳқон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқда. Барчамизнинг тилагимиз битта: йилимиз қутлуғ келсин, ҳосилимиз мӯл бӯлсин, меҳнатингиздан барака топинг, қадрли дӯстлар!

Муҳтарам отахон ва онахонлар!

Мунис опа-сингиллар!

Қадрли ака-укалар!

Халқимизнинг ишончи ва таянчи бӯлган навқирон ёшлар!

Азиз фарзандларим!

Ҳаммамиз учун суюкли ва ардоқли Наврӯз байрами билан барчангизни яна бир бор чин дилдан табриклайман!

Наврӯз ҳар бир хонадонга, бутун эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат, қут-барака олиб келсин!

Барча эзгу ният ва мақсадларимиз амалга ошсин!

Ватанимиз янада обод, халқимиз доим омон бӯлсин!

Наврӯзи олам барчамизга муборак бӯлсин!



## Бунёдкор элнинг файзли байрами

*Пойтахтимиздаги "Ҳумо арена" мажмуасида Наврӯз байрами тантаналари бӯлиб ӯтди*

Қиру адирлар ям-яшил майсалар билан қопланган, атрофни қушлар чуғури-ю анвойи гуллар, гиёҳлар ифори тутган. Инсон ботинидаги энг инжа ҳисларнида уйғотувчи кӯклам насими руҳиятимизга бир тозалик олиб киргандай бӯлади. Инсон ҳам, табиат ҳам янгиланиш ва яшариш айёми бӯлган Наврӯзи оламни ана шундай интиқлик, муштоқлик билан кутиб олади.

Яхши одам кӯзидан, яхши йил Наврӯзидан маълум, дейди халқимиз. Ота-боболаримизнинг минг йиллик кузатишлари ҳосиласи сифатида дунёга келган бу нақл худди бу йилимиз учун айтилгандек. Она юртимизга кириб келган баҳор йил бӯйи келадиган об-ҳаво, шунга мос мӯл ҳосил, қут-баракадан дарак бераётгандек...

Ҳа, юртимизга Яратганнинг иноятиь табиат мӯъжизаси бӯлмиш кӯклам кириб келди. Бу йилги баҳорнинг авжи ӯзгача. Эрта баҳордан илиқ насимлар эса бошлади. Бундан руҳланган бободеҳқон яхши ният билан уруғ қадашга шайланди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаю овулларда кӯклам тадориги қизигандан-қизиган: улуғ бунёдкорлик қудрати, ободлик, поклик нафаси, янгиланиш ва яратиш завқи ҳар қадамда сезилади.

21 март. Азим пойтахтимиз марказида яқинда фойдаланишга топширилган муҳташам "Ҳумо арена" мажмуаси байрамона безатилган. Наврӯзга хос анъаналаримиз, халқ ӯйинлари, дор томошалари ташкил этилган. Сӯрилардаги дастурхонларга баҳорий таомлар тортилган.

2-БЕТ

*"Агар Наврӯзи олам панжшанба куни дохил бӯлса, Муштарий (Юпитер)га тааллуқли бӯлғай.*

*Ул йил неъматлар кӯп бӯлиб, юртда хурсандчилик ошғай.*

*Ёмғирлар ӯз вақтида ёғғай, қор-ёмғир кӯп бӯлғай.*

*Подшоҳлар ҳоллари яхши бӯлгай ва ҳамма ҳунарпеша (ҳунарманд)лар касбларидан хурсанд бӯлгайлар.*

*Дарёлардаги киштилар (кемалар)га омонлик бӯлгай, савдогарлик ривож топгай.*

*Юртларда омонлик, тотувлик, халқлар ӯртасида ҳамкорлик ривож топгай".*

Ҳаким ат-Термизий "Наврӯзнома" асаридан

## Самимий қутловлар

Наврӯз байрами муносабати билан Ӯзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари, жамоат арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлик ва муваффақиятлар, Ӯзбекистон халқига тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Жумладан:

Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**

Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Сооронбай Жээнбеков**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Эмомали Раҳмон**

Туркманистон Президенти — **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти — **Ашраф Ғани**

Афғонистон Ислом Республикаси Ҳукумати ижроия кенгаши раиси — **Абдулла Абдулла**

Эрон Ислом Республикаси Президенти — **Ҳасан Руҳоний**

Саудия Арабистони Қироли — **Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони валиаҳди, Бош вазири ӯринбосари, мудофаа вазири — **Муҳаммад ибн Салмон Ол Сауд**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амири — **шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ӯринбосари, ички ишлар вазири — **шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Фаластин Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти ижроия қӯмитаси раиси — **Маҳмуд Аббос**

Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом — **Оллоҳшукур Пошшозода**

ва бошқалар табрик йӯллаган.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

Бугунги сонда:
Энди чироқ ӯчмайди 4
Парламентнинг ваколати янада кучаймоқда 5

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ӯзбекистон халқ шоири,**
**Ӯзбекистон Қаҳрамони**

## БАҲОР

*Яна баҳор келди. Яна оламда*
*Ажиб бир гӯзаллик, ажиб бир баёт.*
*Мен сени қутлайман шу улуғ дамда,*
*Улуғ елкадошим, музаффар ҳаёт!*
*Ташбеҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан,*
*Нақд жойда насия не керак асли.*
*Аён бир хислатинг бордир азалдан,*
*Сени атамишлар уйғониш фасли!*
*Еллар ҳам уйғонди, ишқалаб кафтин,*
*Офтоб ҳам юксалди — тик келар қуёш,*
*Тоғлар ҳам юк ташлаб кӯтарди кифтин,*
*Безавол майса ҳам силкитади бош.*
*Тарновлар бӯғзида лола ҳам кӯркам,*
*Терак учларида изғир мавжудот.*
*Ҳаттоки туйғусиз, чирик хазон ҳам*
*Яшил пӯпанакдан боғлабди қанот.*
*Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга,*
*Қушлар қий-чувига тӯлмиш дала, боғ.*
*Сенинг висолингдан қувонмай нега,*
*Баҳор, соғинтирдинг, ахир кӯп узоқ!*
*Ялдо кечасидай рутубатли қиш*
*Солди руҳимизга оғир бир сурур.*
*Сен келдинг, уйғонди яна шӯх олқиш,*
*Йиғлаган кӯзларга тушган каби нур.*
*Ҳа, мангу заволлик бӯлмас оламда*
*То суйин сочаркан абри найсонлар.*
*Мен сизни эслайман, аммо шу дамда,*
*Ангуга кӯз юмган азиз инсонлар.*
*Азалий ҳукмини ӯқиди ҳаёт, —*
*Неча бор само ҳам кӯмди қуёшин.*
*Иқболи саждагоҳ бӯлганлар, ҳайҳот,*
*Ӯзлари тупроққа қӯйдилар бошин.*

2-БЕТ

# Бунёдкор элнинг файзли байрами

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланаётганидан дарак беради.

...Асосий саҳна турфа чироқлар, ранго-ранг тасвирлар билан муҳташам мажмуани янада салобатли кўрсатади. Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, пиру бадавлат отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Тантана иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсаклар билан кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари барчани Наврўз байрами билан табриклади.

Муаззам майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саҳна сатҳида турфа ранглардаги тасвирлар орқали она замин, ҳаёт абадийлиги тимсоли бўлган фаслларнинг эврилиши, юртимизга кириб келган кўклам сурури акс этади. Чаппар уриб гуллаган ўриклар, шўх-шан учаётган қалдирғочларнинг саси юракларда ажиб ҳислар уйғотади.

Наврўз инсониятнинг ўзи қадар қадимий ва боқий байрамлардан. Айни пайтда бу байрам Ер юзида катта шодиёна, хурсандчилик ила қарши олинади. БМТ Бош Ассамблеясининг 2010 йил 23 февралдаги резолюцияси билан 21 март — бутун дунёда Халқаро Наврўз куни сифатида нишонланади.

Дунёда шунча миллий байрамлар бўлатуриб, нима учун айнан халқимизнинг шарқона янги йили — Наврўз миллий сарҳадлардан чиқиб, дунё байрамига, умумбашарий қадриятга айланди? Чунки Наврўз ҳамма даврда тинчлик, тотувлик, дўстлик, юртга, она табиатга меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб келган. Аждодларимиз минг йиллардан бери бу кунни эзгулик, бағрикенглик ва тенглик ифодаси сифатида нишонлаб келганлар.

— Оққан дарё оқаверади, деган гапда теран маъно бор, — дейди Қашқадарё вилояти Китоб туманидан келган 75 ёшли Рўзиқул ота Ҳақбердиев. — Шундай замонлар ҳам ўтдики, бу байрамни биздан олмоқчи, Наврўзни ёдимиздан ўчирмоқчи бўлдилар. Шукрки, Наврўзимиз яна ўзимизга қайтди, элимизнинг энг севимли, фараҳбахш, қувончли байрамларидан бири сифатида ҳар йили янгича маъно ва мазмун билан кенг нишонланиб келмоқда.

Наврўз ободлик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Ҳашарлар ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари ободонлаштирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Байрам кунларида серғайрат ёшлар, қўли очиқ тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадрлидир. Наврўздан Наврўзгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилади. Бу эзгу анъана бу йил ҳам давом этди. Юзлаб уй-жойлар, замонавий корхоналар, маданият ва спорт саройлари қурилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа соҳаларда стратегик лойиҳалар амалга оширилди. Иқтисодиётни барқарор қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида ўтган йили аҳолининг реал умумий даромадлари 2017 йилга нисбатан 12 фоизга ошди.

Инсон қадр-қимматини эъзозлаш, унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш барча бўғиндаги ислоҳотларнинг бош шиори этиб белгилангани эришилаётган натижаларда ҳам яққол ифодасини топмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида бошланган бунёдкорлик тўлқини бутун мамлакатимизни қамраб олди. Бу халқимиз эртага, узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак, деган олижаноб ғояни рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу борадаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. Натижада 416 та қишлоқ янгича қиёфа касб этди. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг турмуши ўзгарди, ҳаётига мазмун кирди.

...Эртамиз эгалари бўлган болаларнинг чиқишлари, уларнинг шўх-шодон кулгулари, мустақил юртнинг баркамол фарзандлари ижросидаги она Ватанни, кўкламни, бахтиёр болаликни мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ улашади. Наврўз, ёшлик ва баркамолликнинг нақадар уйғунлиги кўз ўнгингизда гавдаланади.



Ўтган йилда ҳаётимизнинг бошқа жабҳаларида, жумладан, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш йўлида ҳам муҳим қадамлар қўйилди. Айниқса, юртимиз ёшлари Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ва Параосиё ўйинларида, Аргентинада ўтказилган ўсмирлар Олимпиадасида юқори ўринларни эгаллагани барчамизни қувонтирди.

Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар самарасида иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиги мустаҳкамланиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи юксалиб бораётганида намоён бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг очиқ ва фаол ташқи сиёсати жаҳон давлатларининг эътиборига тушди. Бугун Ўзбекистонни ишончли ҳамкор деб билган мамлакатлар сафи кенгайиб, халқаро муносабатларда мамлакатимизнинг дўстлари тобора ортиб бормоқда.

2018 йилда ана шундай ҳамкор давлатлар билан қарийб йигирмата расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Президентимизнинг жорий йилда Ҳиндистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасига расмий ташрифлари бу борадаги марралар сари қўйилган янада дадил қадамлар бўлди.

— Наврўз байрамининг ўзига хос шукуҳи халқларни бирлаштиради, — дейди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У. — Корейслар ҳам Ўзбекистон халқи сингари табиат билан боғлиқ удумларни жуда қадрлайди. Бундай муштараклик халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янада мустаҳкамланишида муҳим омиллардан биридир.

Ўтган йили "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури доирасида 21 триллион сўм ва 1 миллиард долларга тенг 76 мингта лойиҳа амалга оширилиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш йўлида улкан қадамлар ташланди. Бу борадаги ишлар кўлами Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Жорий йилги Инвестиция дастури доирасида мамлакатимизга жами 4,2 миллиард доллар қийматидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантириш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, ҳар бир оила, ҳар бир жамоа ҳаётида янги-янги ўзгаришларга олиб келади, халқимизнинг байрамларни шоду хуррамликда, тинчлик-хотиржамликда тантана қилишига замин яратади.

Президентимиз Наврўз умумхалқ байрами арафасида "Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Бу ҳам халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

...Саҳна ортидаги йирик мониторларда юртимиз табиати, халқимизнинг фаровон ҳаёти, кейинги йиллардаги бунёдкорлик ишлари акс этган тасвирлар байрам иштирокчилари қалбида эришган ютуқларимиздан фахрланиш ва мамнуният туйғуларини жўш урдиради...

Бу йилги Наврўз тантаналарида бадиий-фольклор ва этнографик жамоаларининг чиқишларига кенг ўрин берилди. Ҳар бир ҳududнинг ранг-баранг анъаналари, лапару ўланлари ижро этилди. Ҳур диёримизда бир тану бир жон бўлиб яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг бадиий чиқишлари қалбларни фахрга тўлдирди.

Нияти улуғ халқнинг — иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Халқимиз фарзандларимизнинг бахтини, камолини ўйлаб, обод ва фаровон келажакни кўзлаб ёруғ ният билан олға интилмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, бугун она табиат бағрида янгиланиш ва яшариш фасли бошланмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз ҳам бугун ўз миллий тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда.

Файзли мажмуадаги шукуҳли тантанада бу яна бир бор ифодасини топди. Санъат усталари, ёш ижрочиларнинг она юртни, истиқлолни, янгиланиш ва яшариш айёмини мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантирди. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, бетакрор саҳна манзаралари барчага завқ-шавқ бағишлади. Бундай дамларда Ватанга муҳаббат ва садоқат, ўзгаларга меҳр-оқибат кўрсатиш туйғуси жону танимизга янада теранроқ сингаётгандек.

Наврўз сайиллари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, туман, қишлоқ ва овулларда давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БАҲОР

Давоми. Бошланиши 1-бетда

*Ўн ойким, сўнмишдир у таниш наъра.[1]*
*Ҳамон фироғида фиғон чекар Шош.*
*Баҳор келаётир, бош кўтар, қара,*
*О, сурур куйчиси, донгдор замондош.*
*Ҳамсуҳбат бўлмадим (ким эдим зотан),*
*Тавоб ҳам қилмадим гулшан маконинг.*
*Лекин шеър баҳоси мухлисгадир тан,*
*Қандай чексиз эди руҳий поёнинг!*
*Бугун-чи, не кезар ўтли қонингда!*
*Эвоҳ, унда на шеър, на май, на сафо.*
*Бу қандай мулоқот? Не ҳол? Ёнингда*
*Жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо.[2]*
*Бақиёс эди у, шеър лочини!*
*Хаёли бамисли Кўрагонийдек.*
*Гар тарих эврилса, шуҳрат тожини*
*Унга кийгизарди Султон Улуғбек.*
*Балхдан ҳориб қайтган Алишер мисол*
*Энди тўлғизганди чўккан довотин.*
*Кетди бир пок сиймо, теран бир хаёл,*
*Қолдириб дунёда ҳеч ўчмас отин.*
*Бақо-ю бебақо аён буюклик*
*Ўтди сўнгги дамда бош эгиб қуйи.*
*Фақат билганидан қолмас тириклик,*
*Мана, гулга чўммиш Чиғатой бўйи.*
*Бу сокин элда ҳам ивирсир баҳор,*
*Ўчган хотиралар чироғин ёқиб.*
*Қарайман, қабрлар ястанмиш қатор,*
*Маъсум бинафшадан сирғалар тақиб.*
*Кимнингдир кўксига энгашганча гул*
*Мармар сағанадан ўқиб турар байт.*
*Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,*
*Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?!*
*Унинг оромгоҳи бундан олис жой,*
*Олисда ётибди менинг паноҳим.*
*Бугун кетганига тўлибди беш ой,*
*Беш ойким, кўксимда ёнади оҳим.*
*Фарёд чекканим йўқ эл ичра тақир,*
*Ўч ҳам олмадим мен, ўз қаламимдан.*

*Онажон, онажон, кечиргил ахир,*
*Шодланмасин дедим, биров ғамимдан.*
*Дунёдан кетмасин ҳеч ким бемаҳал,*
*Ҳеч кимни босмасин ногаҳон ўкинч.*
*Аммо ўз бошига келмагунча гал,*
*Онажон, тош қалблар турармиди тинч.*
*Куйларман, хотиранг балки вақт етиб,*
*Бир умр ўртанур, лекин танда жон.*
*Суронлар йўлимда турибди кутиб,*
*Ўзинг қўлла энди, мени онажон.*
*Бугун атрофингда баҳордир балки,*
*Балки шабнам ичра ғарқдир ҳазин тош*
*Майсалар теграңгда қатордир балки,*
*Лекин сен ётасан, кўтаролмай бош...*
*Бунчалар қаттолсан, о, сирли олам,*
*Бунчалар бедилсан, бепоён хилқат.*
*Сенинг ҳикматингнинг сўнги-ку одам,*
*Наҳотки, шунга ҳам қилмайсан шафқат.*
*Майса ҳам уйғонар қайта қиш ўтиб,*
*Заррача бўлса ҳам бир ҳиммат унга.*
*Наҳотки, энг улуғ фарзандинг кетиб,*
*Бошин кўтаролмай ётса, мангуга.*
*Онамни сўрайман сендан эрта-кеч,*
*Қайтар деб сўрайман, чок этиб яқо.*
*Лекин менинг дардли саволимга ҳеч*
*Жавоб беролмассан, о, соқов даҳо!*
*Жавоб олабилди, ҳеч ким ҳам зотан:*
*На султон, на гадо, на шоҳ, на фақир.*
*Ким қанча қувмасин сенинг ортингдан*
*Бир уюм тупроқни кўрсатдинг ахир.*
*Ҳаёт талвасаси тинмағай, аммо*
*Мангу боқий қолур Инсон ва Хаёл.*
*Мерос аталмағай барчага фано,*
*Қисмат аталмағай ҳар кимга завол.*
*Фақат ўтмиш билан яшамас инсон,*
*Гарчанд бўлолмайди ундан ҳеч озод...*
*Кечаги ғамини ўйласа обдон*
*Букчайиб қоларди бугун одамзод.*
*Кетган азизларни хотирлаб гоҳо,*
*Майлига, чекайлик бир зумгина оҳ.*
*Ҳаёт тантанаси бошланмиш, аммо,*
*Дўстлар, нур васлига ташлайлик нигоҳ.*

*Шу буюк офтобнинг мукофотини*
*Эъзозлаб қўяйлик, айтиб шукрона.*
*Дилдан ўчирайлик ғамнинг отини,*
*Баҳор ҳам бахт каби ахир ягона.*
*Бу кун шеъри чиққан шоирдай дунё*
*Жилмайиб қўяди барчага масрур.*
*Темурбек гумбазин қўйнини гўё,*
*Ёритгани каби бир лаҳзалик нур.*
*Дилбар келинчакнинг кўксида гулу,*
*Зардолу шохига ташлар кўз қирин.*
*Барг аро шуълалар кафтлармикан у...*
*Баҳор тетапоя гўдакдай ширин.*
*Юксак арғувоннинг учида ҳилол*
*Пахмоқ булутларни этади нимта.*
*Қайдадир шоира куйлайди беҳол:*
*— Кўнглим ҳам бу кеча ойдай яримта...*
*Увада камзулда биллур тугмадай*
*Булутлар ортидан боқади юлдуз.*
*Қайдадир юртини эслаб инграр най.*
*Қайдадир қўзигул ёради илдиз.*
*Қайдадир гулшандан ахтариб висол*
*Ел кезар — тоғларнинг гўзал арвоҳи.*
*Шоирнинг дилрабо байтлари мисол*
*Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.*
*Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам,*
*Тошқинлар киради қалбимга маним.*
*Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,*
*Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватаним.*
*Фақат сен қалбимга чўктирмай малол*
*Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.*
*Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол,*
*Фақат сен дунёда мангу қолурсан.*

[1] Ғ.Ғулом кўзда тутилган.
[2] М.Шайхзода кўзда тутилган.

1967 йил

# Ёшларнинг спорт соҳасидаги қобилиятлари рағбатлантирилади

МУНОСАБАТ

**Мамлакат келажагини ўйлаган ҳар бир давлат учун энг устувор масала ёшлар масаласи эканлиги барчамизга аёндир. Дарҳақиқат, ҳар томонлама ривожланган ёш авлодсиз давлатнинг эртасини тасаввур этиб бўлмайди.**



**Жамшид ПИРМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Куни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттиришда ёшларга эътиборни янада кучайтириш, ёш авлоднинг ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, уларни маданият, санъат, айниқса, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг 30 фоизини 14 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этиб, бугунги кунда ёш авлодни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган устувор йўналишлар доирасида вазифаларни белгилаб олиш ва улар асосида ишни ташкил этиш зарурдир.

Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида сўнгги йиллар давомида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ёшларни спортга кенг жалб этиш орқали уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш, бу ўз навбатида, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши, шу билан бирга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида кейинги икки йил давомида бир неча бор йиғилишлар ўтказиб, қарор ва фармонларни имзолади.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилиб, соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз томонидан 2018 йилнинг 20 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларда ёшларни спортга кенг жалб этишда уларга етарлича шароитлар яратиш, малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш борасида жиддий камчилик ва муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этиш борасида вазифалар белгиланди.

Муҳими, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган бу каби эътибор натижасида ёшларимиз жисмонан ва руҳан баркамол авлод бўлиб вояга етмоқда. Бу дунёнинг турли минтақаларида бўлиб ўтаётган нуфузли мусобақаларда спортчи ёшларимизнинг давлатимиз байроғини баланд кўтараётганида яққол намоён бўлмоқда.

Жумладан, ўтган 2018 йил давомида 200 дан ортиқ нуфузли халқаро мусобақаларда 180 нафардан ортиқ спортчиларимиз иштирок этиб, улар кескин ва муросасиз ўтган баҳсларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Натижада 520 та олтин, 544 та кумуш ва 588 та бронза, жами 1652 та медални қўлга киритишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида ҳам жамиятда соғлом турмуш тарзи ва спортни янада оммалаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб ўтди. Хусусан, мамлакатимизда спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият бериш, ёшлар ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда ҳам болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш кераклиги муҳим вазифа этиб белгиланди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари ёзги Осиё ўйинларидан бирига мезбонлик қилиш бўйича истиқболли режа ишлаб чиқиш таклифини илгари сургани бу соҳада олдимизда улкан вазифалар турганини, бунда барчамиз бир олий мақсад — мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузини ошириш йўлида ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Президентимиз видеоселектор йиғилишида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бир қатор камчиликларимизга ва олдимизда турган вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан, олис ва чекка қишлоқларда енгил конструкцияли сендвич панеллардан кичик спорт заллари ва сунъий қопламали майдонлар қуриш, ташаббускор тадбиркорларга спорт иншоотлари барпо этиш учун ер ажратиш зарурлиги, жойлардаги спорт мактабларига таниқли халқаро мусобақалар ғолибларини раҳбар этиб тайинлаш, шунингдек, спортчиларни олий ўқув юртларининг махсус сиртқи бўлимларида мақсадли ўқитиш яхши натижа бериши каби вазифалар белгиланди.

Бу каби вазифалар "Адолат" СДПнинг дастури, айниқса, жамиятда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, ёшларни нафақат сиёсий-ҳуқуқий, балки жисмоний жиҳатдан кучли этиб тарбиялаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашда етарлича шароитлар яратишга доир мақсадларимизга ҳамоҳангдир.

Ҳудудларда сайловчилар ва аҳоли билан учрашувимиз давомида ёшларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларида етарлича шароитлар яратилмаганлиги ҳолатлари кўп учрамоқда. Шуни назарда тутсак, ушбу соҳадаги вазифаларнинг ижросини таъминлашда биз депутатлар ҳам ташаббус кўрсатишимиз, ишларнинг бориши, сифатли бажарилишини назорат-таҳлил тадбирлари доирасида ўрганиш орқали ҳам ҳисса қўшишимиз лозим.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, бу соҳада давлат сиёсатининг асосий мақсади ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишига кенг имконият яратиш, айниқса, бу ишларни қишлоқ жойларда такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзандини соғлом қилиб тарбиялаш ва мамлакатимиз спортчилари жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида янада самарали иштирок этишига эришиш асосий мақсадимиздир.

# Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар соғлиғи

## УЛАРНИНГ ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШИГА БОҒЛИҚ

### ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

**“Бола ҳуқуқлари конвенцияси”нинг 24-бобида бевосита гўдакларни 6 ойгача истисносиз кўкрак сути билан боқишни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш — жамият саломатлигини сақлашдаги муҳим вазифа сифатида белгиланган. Шу маънода жамиятнинг барча аъзоларига ва айниқса, ота-оналарга гўдакни кўкрак сути билан боқишнинг афзалликлари ҳақида маълумот бериш устувор вазифадир.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида юқорида таъкидлаб ўтилган масалага бевосита дахлдор “Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқатланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлиги, баркамол авлод тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Гўдаклик давридан бошлаб болаларни тўғри овқатлантириш натижасида уларнинг нафақат жисмоний саломатлиги яхшиланади, балки юқумли касалликлар билан касалланиш хавфи камаяди ҳамда келгусида ижтимоий ва психологик ҳолати ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ушбу лойиҳанинг ишлаб чиқилиши бир қатор ҳаётий омиллар билан ҳам боғлиқ. Дейлик, бугунги кунда кўп ҳолатларда гўдакларни қўшимча овқатлантириш, саноат асосида тайёрланган, озиқ қиймати бўйича кўкрак сутига яқинлаштирилган суюқ ёки кукунсимон шаклдаги озиқ-овқат ҳамда уйда тайёрланган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳолатлари кўп учраётгани, статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда 40 фоиз гўдаклар кўкрак сути ўрнини босувчи маҳсулотлар билан овқатлантирилаётгани аниқланди. Шу боис ушбу соҳадаги ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш зарурати юзага келмоқда.

Айтиб ўтилганидек, фақат тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракати билангина гўдакни кўкрак сути билан боқишни тарғиб этишда етарли натижага эришиб бўлмайди. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни овқатлантириш ҳақида фуқароларни объектив маълумот билан таъминлашда бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотларининг иштироки ҳам муҳим. Бунда болани кўкрак сути билан боқишнинг аҳамияти, рационал овқатланиш, нотўғри овқатланиш билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги маълумотларни ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг ушбу йўналишдаги тавсияларини кенг аҳолига етказиш асосий вазифа бўлмоғи лозим.

Лойиҳа орқали гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар овқати соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, унда Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг ваколатлари, кўкракдан эмизишни муҳофаза қилиш ва уни тарғиб этиш, шунингдек, болалар овқати маҳсулотларига қўйиладиган талаблар, уларга риоя этиш чора-тадбирлари, сертификатлаш масаласи ҳамда ушбу соҳада тиббиёт ходимларининг вазифалари белгилаб қўйилмоқда.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлигига гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг овқати бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, болалар овқати маҳсулотларининг сифат ва миқдор тавсифларига, уларни тайёрлаш, транспортда ташиш, сақлаш ва сотишга қўйиладиган меъёрлар ва талаблар белгиланиши ҳамда уларни бажаришга йўналтирилган чора-тадбирлар мониторингини олиб бориш, шунингдек, гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни оқилона овқатлантириш тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини ташкил этиш вазифалари белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида қайд этилганидек, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар билан оналар бирга бўлиши (бориши) учун мўлжалланган тиббиёт ташкилотида, шунингдек, бошқа ташкилотлар, жамоат жойларида тегишли санитария нормалари, қоидалар ва гигиеник нормативларга мувофиқ гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларни эмизиш учун шароит бўлган махсус ажратилган жойлар ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Фракция аъзолари лойиҳада назарда тутилаётган маҳсулотлар рекламаси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар учун кўкрак сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар рекламасида уларни она сутининг ўрнини тўлиқ босувчи сифатида талқин этмаслик, маҳсулотларни қўллашда ёш чекловлари ва мутахассисларнинг маслаҳати зарурлиги тўғрисидаги огоҳлантириш мавжуд бўлиши, шунингдек, маҳсулотлар рекламасида гўдаклар ва кичик ёшдаги болаларнинг тасвирини тушириш тақиқлаб қўйилаётгани ижобий баҳоланди.



Партия фракцияси йиғилишида ушбу қонун лойиҳасидаги болалар саломатлиги ва баркамол авлод тарбияси масаласи “Адолат” СДПнинг дастурий мақсад ва ғояларига мослиги қайд этилди. Шу билан бирга, лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда киритилаётган нормаларнинг тўғридан-тўғри ишлаши учун уларни амалиёт билан уйғунлаштириш ва янада мукаммал ишлаб чиқиш, бунда жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида жойларда муҳокамалар ташкил этиш, кўкрак сутининг ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашда тегишли стандартларни аниқ белгилаш масалаларига эътибор қаратиш каби таклифлар билдирилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар бўйича фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклифлари тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Анвар ЭГАМҚУЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси ижрочи котиби**

# КАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

## шаҳар ҳокимлиги назоратида

### ДЕПУТАТ СЎРОВИ — ХАЛҚ СЎРОВИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси У.Саматов Шайхонтоҳур туманидаги “Каттаҳовуз”, “Сузук ота”, “Эшонгузар”, “Янги Камолон”, “Камолон” маҳаллалари аҳолиси билан юзма-юз мулоқот қилиб, бир қатор мурожаатлар ечимига эътибор қаратган эди.**

Депутат У.Саматов мазкур ҳудудда кўтарилган масалаларга ойдинлик киритиш, аниқланган муаммоларга ечим топиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевга жорий йилнинг 26 февраль куни депутатлик сўрови юборди. Ушбу сўровда бу ерда аксарият маҳалла фуқаролар йиғинлари ўз биносига эга эмаслиги, ҳудудда мактабгача таълим муассасасига зарурат борлиги, ички йўллар, симёғочлар, тунги чироқлар носоз ҳолатда эканлиги, газ тармоғи, электр симлари, канализация масалаларида муаммолар борлиги баён қилинган.

Хусусан, “Сузук ота” маҳалласининг Сўзона берк кўчасидаги хонадонларда яшовчи аҳолининг газ, электр энергияси таъминотида муаммолар юзага келаётгани, “Каттабоғ” маҳалласида 400 нафардан ортиқ болаларга мактабгача таълим муассасаси зарурлиги, “Ўзгариш”, “Атиргул” кўчаларининг ички йўлларини таъмирлаш кераклиги ҳамда “Каттабоғ” кўчасида аҳоли фойдаланиши учун канализация йўқлиги каби қатор муаммоларни бартараф этиш масаласи кўтарилган.

Ушбу масалалар депутат томонидан жойида ўрганилганда “Каттабоғ” маҳалла ҳудудидаги “Зомин” кўчасида бир вақтлар болалар боғчаси бўлган, олдин эса Республика кўзи ожизлар жамиятига тегишли ҳисобланган бино ҳозирги кунда ташландиқ аҳволга келиб қолганлиги, унда турли тадбиркорлар фаолият олиб боришаётгани аниқланди. Сўровда мазкур бинодан аҳоли фарзандларига боғча сифатида фойдаланиш имконини яратиш масаласини кўриб чиқиш таклифи билдирилган.

Шунингдек, аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, депутатлик сўровида “Янги Камолон”, “Камолон” МФЙлар ўз биносига эга эмаслиги сабабли “Камолон дарвоза” маҳалласи ҳудуди 8ª-уй рўпарасида маҳалла идорасига янги бино қуриш, 43-сонли оилавий поликлиника ва 491-сонли МТМ олдида пиёдалар ўтиш йўлагини таъмирлаш ва жами 11 та кўчанинг 3500 м² қисмига асфальт қопламаси ётқизиш, 567-сонли МТМ биноларини таъмирдан чиқаришда амалий ёрдам бериш ҳақида сўз юритилганди.

Мухтасар айтганда, сўровда Шайхонтоҳур туманида яшовчи фуқароларга қулайликлар яратиш ҳамда маҳалла фуқаролари йиғинлари ходимлари ишлаши учун шарт-шароитларни таъминлаш борасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан режалаштирилаётган ишлар юзасидан ахборот берилиши сўралган.

Мазкур депутатлик сўровига Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаевдан жорий йилнинг 13 март санаси билан имзоланган жавоб хати келди. Унда “Янги Камолон” ва “Камолон” МФЙларида маҳалла маркази, савдо ва маиший шохобчалар ташкил этилиши, “Сузук ота” маҳалласининг ички йўлларини асфальтлаш ишлари 2019 йилнинг охиригача амалга оширилиши режалаштирилганлиги кўрсатилган. Ҳудуддаги “Каттабоғ” маҳалласида мактабгача таълим муассасаси қуриш лозимлиги борасидаги мурожаатга жавобан ҳозирда Тошкент шаҳри бўйича эҳтиёж бор туманларда давлат ёки давлат-хусусий шерикчилик асосида МТМлар ташкил этиш юзасидан ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида ахборот берилган.

Шунингдек, “Каттабоғ” маҳалласидаги “Каттабоғ”, “Атиргул” ва “Самарқанд дарвоза” кўчаларига оқава сув тармоғини қуриб, шаҳар оқава сув тармоғига улаш ишларини Тошкент шаҳар бош режаси тасдиқлангандан сўнг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилган. Ушбу режа концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг топшириғига асосан, жорий йилнинг 20 май кунига қадар ишлаб чиқилиши белгиланганлиги маълум қилинган. Шу билан бирга, депутатлик сўровида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш Тошкент шаҳар ҳокимлиги назоратида эканлиги билдирилган.

Албатта, жавоб хатида кўрсатилган муддатларда ҳокимлик назорати остида мазкур маҳаллаларда аҳоли учун керакли қулайликлар яратилишига умид билдирамиз.

**Зулайҳо ЧЎЛПОНОВА,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби**

### ДЕПУТАТ МИНБАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, аҳолининг қонунларга ҳурмат билан муносабатда бўлишига, жамиятда алдов, товламачилик, порахўрлик, коррупция каби иллатларнинг камайишига хизмат қилади. Фармоннинг рўёби йўлида давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги, ижтимоий шерикчилиги муҳим ўрин тутади. Хуллас, бу жараёнлардан ҳеч ким четда турмаслиги лозим.**

# Ҳуқуқий маданият

## МИЛЛИЙ ҒОЯ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ

Ҳуқуқий маданият бўлмаса, биз фақат қонунларни ўргатиш ёки жавобгарлик билан қўрқитиш орқали ҳуқуқий бефарқликка барҳам бера олмаймиз, қонун устуворлигига эриша олмаймиз. Биз ўз ҳуқуқий маданиятимиз даражасини танқидий баҳолаб, муаммоларимиз сабаби аслида шу ерда эканини англашимиз керак. Шу сабабли ҳам юксак ҳуқуқий маданият миллий ғоя даражасига кўтарилаяпти. Президент фармонининг мазмуни, мақсади ва аҳамияти ана шунда аслида.

«Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш дастури» бор эди, яна янги чора-тадбирларга не ҳожат дейишингиз мумкин. Ҳа, бор эди. Аммо 1997 йилда қабул қилинган дастур маънан эскиргани ва аниқ вазифалар қўйилмагани, амалга ошириш механизмлари белгиланмагани билан оддий атрибутга айланиб қолган эди. Оддий мисол: ҳуқуқ дарсларига боқинг. Мактабларда икки курс ҳуқуқий дарслар ўтилади: «Давлат ва ҳуқуқ асослари» ҳамда «Конституциявий ҳуқуқ асослари». Лицей-коллежларда эса «ҳуқуқшунослик» деган курс ҳам бор. Лекин қай биримиз паспортни вақтида олмасак, жарима тўлашимиз мумкинлигини мактабда ўрганганмиз? Ёки солиқ тўламаслик жиноят эканини ўқитувчиларимиз айтишганми?

Бизга Конституция неча бобдан иборатлиги, парламент нималиги, у ерда нечта одам ўтиришини ўргатишарди. Конституция кунига шеър ёдлардик, қўшиқ айтардик. Бироқ конституцион ҳуқуқларимиз бузилса, қаерга мурожаат қилишни билмас эдик. Кундалик ҳаётимизга, турмушимизга, тақдиримизга дахл қилувчи ҳуқуқларимиздан амалда фойдаланишни ўргатишмасди.

Эндиликда фармон билан мактабларда ҳуқуқ дарслари учун янги авлод дарсликларини яратиш ва ҳуқуқий таълим дастурини қайта кўриб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Тан олиш керак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида баҳоланиб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганди.

Фармон билан мустаҳкамлаб қўйилдики, 2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон миллий ҳуқуқий интернет портали яратилади. Бундан ташқари, 2019 йил 1 июлга қадар аҳолига бепул маслаҳатлар беришни ўз ичига олган Advice.uz ҳуқуқий ахборот тизими ишга туширилади. Умумтаълим мактаблари ва академик лицейларда ҳуқуқий билимларга доир ўқув машғулотлари кўлами янада кенгайтирилади. Аҳолининг кундалик ҳаётида кўп учрайдиган ҳуқуқий масалалар юзасидан савол-жавоб тарзидаги қўлланмалар тайёрланиб, хонадонларга бепул тарқатилади.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган хизматлари учун топшириладиган «Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси» кўкрак нишони таъсис этилади.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий маданият кишиларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражаси, қонунларга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларни ижро этиши, ҳаётга татбиқ эта олиш кўникмаси, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик, қонунларга итоаткорлик, ҳуқуқий фаоллик ҳамда ташаббускорлигини англатади. Жамият аъзоларининг юксак ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти жамиятимиз тараққиётини таъминлайди.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг тўлиқ ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим ишда фуқароларда қонунларга ва норматив ҳужжатларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга.

Айни шу мезонлардан келиб чиқиб, фармонда фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш, аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш бирламчи вазифалардан эканлиги таъкидланади.

Шу билан бирга, бу борада таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш назарда тутилмоқда. Бунда, айниқса, ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституция моҳиятини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш бўйича ўзига хос тизим яратилади.

Ҳақиқатдан ҳам, ёш авлод онгида нима яхши, нима ёмон, нима мумкину нима мумкин эмаслигини, ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини одоб-ахлоқ нормалари асосида тушунтириб бориш ҳамда Бош қомусимиздаги энг муҳим тамойилларни содда тилда болалигидан ўргатиб бориш келажакда ўз самарасини беради.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли жуда муҳим. Шу боис миллий медиа маконда ҳуқуқий мавзулардаги рукнларга эътиборни янада кучайтириш, аҳоли ўртасида кўпроқ кўтарилаётган муаммоларни даврий нашрлар саҳифаларида, телевидение ва радио эшиттиришларида тушунтириб бориш зарур. Фармон билан ушбу йўналишда оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларидан кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтиришга доир вазифаларнинг белгиланиши айни муддаодир.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раҳбарияти томонидан 2019 йил 24 январда қабул қилинган буйруқ асосида доимий фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий тарғибот гуруҳи ташкил этилди. Буйруқ асосида ходимлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш, раҳбар ва масъул ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, тадбирлар ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланиш каби вазифалар қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, фармонда белгилаб берилган жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги муҳим йўналиш ва вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш барчамиздан масъулият ва фидойиликни талаб этади. Зеро, қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир.

**Ташпўлат МАТИБАЕВ,**
**халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда жамоатчилик асосида доимий фаолият кўрсатувчи хуқуқий тарғибот гуруҳи раҳбари, социология фанлари доктори**

## ЧОРШАНБА — ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ КУНИ

**Наманганлик партиядошларимиз Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Адолат — қонун устуворлигида" лойиҳаси доирасида ҳар ҳафтанинг чоршанба куни электорат билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда кўмаклашмоқда.**

# Саховат — улуғ қадрият

Фаолларимиз Наманган шаҳрининг "Янги қурилиш" маҳалласидаги хонадонларда бўлиб, фуқаролар билан суҳбатлашди. Маҳалланинг "Чиннигул" кўчасидаги хонадонда яшовчи фуқаро Комилжон Эгамбердиев оиласи кам таъминланган экани, унинг хонадони қарздорлик сабабли электр қуввати таъминотидан узиб қўйилганини баён қилди. Қарз миқдори 3 миллион 746 минг сўмдан ҳам ошибди.

Хуллас, муаммонинг ечимини топишга киришилди. Оиланинг моддий ҳолати назардан четда қолмади, албатта. Комилжон Эгамбердиев ва унинг умр йўлдоши Нурхон Турғунова хасталик туфайли зарур маблағни ишлаб топиш имконига эга эмас, оилада бир нафар фарзанд — ўн тўрт яшар ўғли эса болаликдан ногирон.

Шу боис саховатли кишиларни излаб топишга қарор қилдик. Рости гап, бундай инсонни топиш осон бўлмаса керак, деб ўйлаган эдик. Бошқаларга яхшилик қилишни истайдиган эзгу ниятли кишилар кўп экан. Ана шундай ҳамшаҳарларимиздан бири кам таъминланган оиланинг электр таъминотидаги қарзини тўлиғича ўз ҳисобидан тўлаб берди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, бу савоб иш экани боис саховатпеша инсон ўз исм-шарифини ошкор этмаслигимизни илтимос қилди. Чунки у ўнг қўл берганини чап қўл билмаслиги керак, деган нақлга амал қилишни маъқул кўрар экан. Бошқалар дардини ўзиникидай кўрадиган ҳомийга миннатдорлик билдирдик.

Муҳими, яхшилар кўмагига эҳтиёжманд хонадонда яна чироқ порлай бошлади. Бу хайрли иш беназир ва гўзал байрам — айни Наврўз арафасида амалга ошди. Халқимизнинг азалий қадриятларини ифодалайдиган бу байрам ҳаммамизни атрофимиздагиларга меҳр ва саховат кўрсатишга ундайди.

**Ойлархон ОХУНОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган шаҳар кенгашининг раиси**

# "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси амалда

**Ҳудудларда партиямизнинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси амалиётга йўналтирилиши кўплаб фуқароларда қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур лойиҳа ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизликни камайтиришга ҳисса қўшиш, банд бўлмаган ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳудудий кенгашларида ушбу лойиҳа доирасида тузилган ишчи гуруҳлари фаолият олиб бормоқда.**

**Тошкент вилояти.** Лойиҳа доирасида жойларда мулоқотлар ўтказаётган партиядошларимизга Янгийўл туманидаги "Қўш ёғоч" қишлоғида яшовчи Ю.Қулмуротова бандлик юзасидан мурожаат қилди. Масъул муассасалар билан ҳамкорликда Ю.Қулмуротова шу қишлоқда жойлашган 48-умумтаълим мактабига ишга жойлаштирилди.

Паркент туманида олиб борилган суҳбатлар давомида "Заркент" қишлоғида истиқомат қилувчи П.Жамолова ишсизлигини айтиб, шу масалада ёрдам сўради. Айни пайтда фуқаро П.Жамолова қишлоқдаги "Заркент Умар Шахзод" фермер хўжалигида меҳнат қилмоқда.

**Сурхондарё вилояти**. Музработ туман партия кенгаши ишчи гуруҳи томонидан "Деҳқонобод" МФЙда ўтказилган учрашувда ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи фуқаролар А.Эшбоев ҳамда Р.Пўлатов иш билан таъминлашда ёрдам сўрашди. Ҳозирда иккала фуқаро ҳам тумандаги марказлашган трактор парки акциядорлик жамиятида фаолият юритмоқда.

Термиз тумани "Солиобод" МФЙда истиқомат қилувчи фуқаро Х.Усмоналиев партия депутатларининг аралашуви билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиалига ҳайдовчи вазифасига ишга жойлаштирилди.

**Андижон вилояти**. Избоскан туманилик М.Арипова ва И.Тошматованинг мурожаатлари ҳал этилиб, М.Арипова ошпазлик вазифасига, И.Тошматова компьютер хизмати кўрсатувчи МЧЖда иш билан таъминланди.

Андижон шаҳар партия кенгашидаги ишчи гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракатлари туфайли фуқаро Т.Акбарова шаҳардаги ОИТСга қарши курашиш марказида ҳамшира лавозимида ишлай бошлади.

**Бухоро**. Когон туманининг "Сухор" МФЙ ҳудудида яшовчи 1989 йилда туғилган фуқаро Г.Шарипова бандлик масаласида ишчи гуруҳига мурожаат қилди. Партиядошларимизнинг маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари билан ҳамкорлиги натижасида Г.Шарипова тумандаги 3-сонли мактабгача таълим муассасасига ишга жойлаштирилди.

Қоракўл туман партия кенгашидаги ишчи гуруҳи аъзоларининг кўмаги билан "Қоракўл" МФЙ ҳудудида яшовчи М.Жўраева 1-сонли МТМга тарбиячи лавозимига доимий ишга қабул қилинди.

Пешкў туманидаги сафдошларимиз "Ибн Сино" МФЙ ҳудудида 3 нафар иш билан банд бўлмаган ёшлар борлигини аниқлашди. Натижада ушбу МФЙ ҳудудидаги "Афшона" қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳ.Икромова Афшона тиббиёт коллежига қарашли турар жойда назоратчи мутахассис лавозимида иш бошлади.

Вобкент туман партия кенгашининг ишчи гуруҳи аъзолари "Пахтакор" МФЙда 4 нафар уюшмаган ёшлар борлигини қайд этгач, уларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўришмоқда. Хусусан, улар туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда "Ғайрат Чодак" МЧЖга фуқаро С.Хайруллаеванинг доимий ишга қабул қилинишига эришдилар.

**Қашқадарё вилояти.** 2017 йилда Тошкент 1-Республика тиббиёт коллежини тамомлаган фуқаро Д.Жалилова бандлик масаласида вилоят партия кенгашига мурожаат қилди. Партия фаолларининг кўмаги билан Д.Жалилова "Комил ишонч" хусусий клиникасига ҳамшира вазифасига қабул қилинди.

**Сирдарё вилояти.** "Ҳар ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасида Сайхунобод тумани Соҳил шаҳарчасида яшовчи фуқаро З.Эргашева сафдошларимиз кўмагида тез ёрдам шохобчасига навбатчи диспетчер сифатида ишга жойлаштирилди.

Партиямизнинг "Бир ойда бир иш ўрни" лойиҳаси доирасидаги амалий ишлар давом этмоқда. Зеро, фуқароларнинг иш билан бандлиги уларнинг оиласи моддий жиҳатдан яхши таъминланиши, фаровон яшаши учун муҳимдир.

**Гулнисо САИДОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Марказий аппарати етакчи мутахассиси**

## ДЕПУТАТ АРАЛАШГАЧ

**Аҳоли мурожаатларини жойида ҳал этиш, мавжуд муаммоларни бартараф қилишга кўмаклашиш партиямиз фаолларининг муҳим вазифаси саналади.**

# Энди чироқ ўчмайди

Халқ депутатлари Когон тумани Кенгаши депутати Шаҳрилло Абдуллаев тумандаги "Каптархона" ва "Жомард" қишлоқлари аҳолиси билан мулоқот қилди. Депутатга ушбу қишлоқлардаги хонадонларни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилувчи трансформаторлар талабга жавоб бермаётганини маълум қилишди.

Хусусан, "Каптархона" қишлоғида ўрганиш давомида 1970 йилларда ўрнатилган трансформатор эскиргани боис электр энергияси таъминотида тез-тез узилишлар кузатилаётгани аниқланди. Депутат туман электр таъминоти корхонасига депутатлик сўрови киритгач, масала ҳал этилди, янги трансформатор ўрнатилди.



— Тез-тез чироқ ўчиши фарзандларимизнинг дарс тайёрлашига ҳам халақит берар эди. Бу ҳолат билан боғлиқ бошқа муаммолар ҳам барчамизни ўйлантириб келарди, — дейди фуқаро Бахшилло Ибрагимов. — Партия ходимлари ва депутат ташаббуси туфайли бу ташвишлар барҳам топди

Албатта, бундай амалий ишлар давом этаётганлиги фуқароларнинг фаровон турмуш шароити учун хизмат қилади.

**Мактуба ҲАМРОЕВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Когон туман кенгаши раиси**

## ТАДБИР

**Эрта тонгда янграган карнай-сурнай садолари, Деҳқон бобо, Наврўзой, байрамона кийинган ёшлар Асака туманида барчани сайилга чорлади. Туман марказидаги анвойи гуллар, ранго-ранг чечаклар ва турфа байроқчалар билан безатилган сайилгоҳнинг файзи ўзгача. Чор атрофда "Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!", "Наврўзи олам муборак!" каби баҳорий тилаклар ёзилган лавҳалар ўрин олган.**

# Асакада кўклам қувончлари

Халқимизнинг тарихи, маданияти, урф-одати ва анъаналарини акс эттирувчи миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасида ҳам байрам нафаси. Рассомларнинг ижод намуналарида баҳор манзаралари, Наврўз удумларини ифодаловчи суратлар. Кўклам таомлари намойиши ҳам барчанинг кайфиятини янада кўтаради.

Тадбирда иштирокчилар Наврўз, баҳор, она юрт, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни тарғиб этувчи лапарлар, ўлан ва термалар, куй-қўшиқлар, шунингдек, сумалак сайили, халқ ўйинлари, ҳунармандлик ва баҳор юмушларини акс эттирувчи саҳна кўринишлари орқали ўз маҳорат ва истеъдодини намоён этишди.

— Бугунги байрам чин маънода халқ байрамидир, — дейди халқ депутатлари Асака тумани Кенгаши депутати Абдимусо Султонов. — Бундай тантана тинч ва осуда юртга ярашади. Одамларнинг кўзларида, қарашларида бугунги кунидан хурсандлиги, эртанги кунга бўлган ишончини сезиш қийин эмас. Буни бир сўз билан Мустақиллик берган бахт, деб аташ мумкин.

Туман марказида бошланган байрам тадбирлари маҳаллаларга, хонадонларга кўчди. Байрам тадбирларида фаол қатнашган Ўзбекистон "Адолат" СДП туман ташкилоти вакиллари ҳам кекса ёшдаги отахон ва онахонлар, якка ёлғиз яшовчиларнинг хонадонларида бўлиб, уларни байрам билан қутладилар.

**Меҳринисо КАРИМОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Асака туман кенгаши раиси**

# Ўрганишлар натижа бермоқда

## ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

**Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг муаммоларини вақтида ҳал этиш депутат олдида турган энг муҳим вазифадир.**



Халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзолари партия лойиҳалари доирасида жойларда бўлиб, муаммоларни ўрганишмоқда. Ўрганишлар асосида жорий йилда партия депутатлари ташаббуси билан халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида 2 та, доимий комиссияларда 3 та масала муҳокама этилди. Сессияларда кўриб чиқилган "Умумтаълим мактабларининг дарсликлар ва бошқа зарур адабиётлар билан таъминланиши, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологиялари жорий этилиши ҳолати", "Мактабларда яратилган шарт-шароитлар, синф хоналарининг жиҳозланганлиги, ўқувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати" каби масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар амалиётга йўналтирилди. Шунингдек, жорий йилда масъул ташкилотларга бир қатор муаммоларни ҳал этишга қаратилган 14 та депутатлик сўрови киритилди.

Шубҳасиз, депутат муаммолар юзасидан депутатлик сўрови билан мурожаат қилар экан, одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг ишончини оқлашга интилади.

Жумладан, Ҳамрогул Ашурова "Қалмақон" МФЙ "Файзулло Хўжаев" кўчасида ички йўлни таъмирлаш билан боғлиқ масалада туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига юборган депутатлик сўрови ўрганиб чиқилди. Айни пайтда ушбу ички йўлда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Депутатлик гуруҳига "Жўйрабод" МФЙ "Жилвон" қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Ўғилой Қосимованинг моддий ёрдам ажратиш ҳақида қилган мурожаати ҳам ҳал этилди. Фуқаро Ў.Қосимова маҳалла фуқаролар йиғини томонидан моддий ёрдам пули билан таъминланмоқда.

Депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳазрат Мавлоновнинг туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига "Алишер Навоий" ҳудудидаги "Шўробод" ва "Ҳавлипоён" қишлоқлари орасидаги автомобиль йўлининг таъмирталаб аҳволда эканлиги ҳақида киритган депутатлик сўрови ҳам ижобий натижа бермоқда. Март ойида мазкур йўлни таъмирлаш ишларига киришилди.

Шу билан бирга, Илҳом Жўраевнинг туман ҳокими биринчи ўринбосарига юборган депутатлик сўровига кўра "Хўжа Ориф" МФЙ ҳудудидаги 2 километрлик ички йўл таъмирланиб, транспорт воситалари ва аҳоли учун қулайлик яратилди.

"Хўжа Ориф" МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли билан олиб борган мулоқотимиз чоғида фуқаролар ҳудуддаги "Чандирча" қабристонини ободонлаштириш зарурлигини баён этишган эди. Ҳозирда қабристон ҳудудида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилаяпти.

Албатта, аҳоли ўртасида очиқ мулоқотлар ўтказиш, мавжуд муаммоларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш фуқароларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилиши билан бирга мансабдор шахсларнинг ҳам масъулиятини оширмоқда.

**Карим БОБОМУРОДОВ,**
**халқ депутатлари Шофиркон тумани Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари**

# Йўл четида йўлак қурилди

**Мактаб ўқувчилари учун энг яхши қулайликлардан бири — бу мактаб остонаси томон ошиқаётганида ҳар жиҳатдан хавфсиз бўлган йўлдан фойдаланиш имконидир. Бу омил уларнинг йўлда кутилмаган ҳолатлардан ҳимояланишига, хатарлардан холи бўлишига замин яратибгина қолмасдан, ота-оналарнинг фарзандлари борасидаги кўнгил хотиржамлигини ҳам таъминлайди.**



Бироқ бу масала яқин-яқингача ҳам Сирдарё туманининг "Орзу" маҳалласида жойлашган 26-умумтаълим мактабига Бахт шаҳар "Хазина" маҳалласидан пиёда қатнайдиган 120 дан ортиқ ўқувчилар ва ота-оналарни безовта қилиб келарди. Ушбу мактаб ва маҳалла оралиғи 1,5 километр бўлиб, транспорт қатнайдиган асфальт йўл жуда тор эди. Катта-кичик юк машиналари-ю автоуловлар серқатновлиги пиёдалар, айниқса, ўқувчиларга хавф туғдирмасдан қолмасди. Мазкур йўл четида пиёдалар учун йўлак қурилмаганлиги муаммога айланганди.

"Хазина" маҳалласи аҳолиси ва мактаб маъмурияти бу муаммога чора излаб мутасадди идораларга бир неча бор мурожаат қилиб, натижага эришолмади. Улар 45-Бахт сайлов округидан сайланган депутат С.Элмуродовга шулар ҳақида айтиб, ушбу масалада ёрдам сўрашди. **Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари С.Элмуродов** мазкур муаммони жойида ўргангач, вилоят ҳокимлигига депутатлик сўрови юборди. Кўп ўтмай Сирдарё туман ободонлаштириш бошқармасига ажратилган маблағ ҳисобидан йўл четидан пиёдалар қатнови учун **1,5 километрлик масофада бетон йўлак бунёд этилди.**

Депутат ташаббуси билан қилинган эзгу ишдан мактаб жамоаси, ота-оналар беҳад мамнун бўлишди, ўқувчиларнинг ҳам қувончи чексиз. Ота-оналарнинг таъкидлашича, йўлак лойиҳасини тайёрлаган масъул ижрочилару қурувчилар шунчаки қўл учида эмас, йўлакни пухта қилиб барпо этишди.

Эндиликда йўл атрофи ҳам обод этилади.

**Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,**
**Сирдарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Парламентнинг ваколати янада кучаймоқда

**Жорий йил 6 мартда матбуотда "Ҳукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун расман эълон қилинди.**

**Мазкур ҳужжат билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, 2 та конституциявий қонунга ва 4 та қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун жорий йил 1 апрелдан кучга киради.**



2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга йўналтирилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш белгиланган эди. Шу маънода мазкур қонун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга тақдим қилган Мурожаатномасида парламентнинг муҳим қарорлар қабул қилиш фаолиятини кучайтириш бўйича белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, қабул қилинди.

Қонун билан асосан иккита янги демократик тартиб-тамойил белгиланмоқда. Улардан биринчиси, бу Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари эндиликда Бош вазирнинг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланиши ва лавозимидан озод қилиниши бўлса, иккинчиси, Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши билан боғлиқдир.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари деганда Бош вазирнинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари тушунилади.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари **"ҳозирги кунда Конституцияга мувофиқ, парламент Бош вазирни тасдиқлайди. Лекин вазирларни лавозимга қўйишда қатнашмайди. Шунинг учун Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этаётгани йўқ. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишни таклиф этаман. Бўлажак вазир парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилсин ва унга эришиш йўлларини асослаб берсин. Бир сўз билан айтганда, лавозимга муносиб эканини исботласин",** деб таъкидлаганди.

Дарҳақиқат, Ҳукумат аъзоларини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши халқ ҳокимиятчилигининг яққол ифодаси бўлиб, фуқаролар ўзлари бевосита сайлаган вакиллари тимсолида самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлган ижро ҳокимияти масъул лавозимларига номзодларнинг нечоғлиқ лойиқлиги, малакаси, шахсий ва касбий фазилатлари, истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар режасига баҳо бериш имкониятига эга бўлишади.

Маълумки, Ҳукумат аъзоси мамлакат ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда бевосита қатнашадиган субъект ҳисобланади. Шунинг учун депутатлар номзодни кўриб чиқиш жараёнида унинг халқ хоҳиш-истаклари, муаммоларини қанчалик билиши, инсон ва жамият фаровонлигини кўзлашига ҳам эътибор қаратадилар.

Шунинг баробарида мазкур ваколат парламент учун жиддий масъулият ҳам саналади. Ҳукумат аъзосини маъқуллаши тимсолида депутатлар унинг келгусидаги фаолияти самарали кечиши учун масъулиятни тенг бўлишишларига тўғри келади. Айтиш жоизки, депутатлар фақатгина маъқуллашгина эмас, номзодни рад қилиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Чунки халқимиз масъул лавозимни эгаллаган шахснинг иш фаолияти қониқарсиз бўлса, депутатлардан нима учун номуносиб номзодни маъқуллашганини сўрашга ҳақли бўлади. Эндиликда депутатлар томонидан маъқулланган номзод ҳам ўз режаларини амалга оширишда уни қўллаб-қувватлаган депутатлар билан ҳамжиҳатликда ишлайди. Нега деганда, депутатлар номзодни унинг келгусидаги режалари тимсолида маъқуллайди. Бошқача айтганда, депутатлар маъқуллаган номзод режалаштирган ишларини амалга оширишда халқ вакилларини қўллаб-қувватловини кутишга маънавий жиҳатдан ҳақли бўлади.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, **агар аввал парламент Бош вазир лавозимига номзодни тасдиқлаш ваколатини амалга ошириб, Ҳукумат фаолиятига умумий, яхлит баҳо берган бўлса, эндиликда Ҳукумат аъзолигига номзодни кўриб чиқиш ва маъқуллаш жараёнида ижро ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи, соҳасига алоҳида-алоҳида тўхталиб, мавжуд камчиликларни аниқлаш, танқидий таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади.**

Янги демократик тартиб-таомил сиёсий партиялар фракцияларининг роли ва аҳамияти ошишига ҳам хизмат қилиб, ҳар бир партия ўз сайловолди дастури ва платформасидан келиб чиқиб, номзодни қўмиталарда, фракция мажлисларида, палата ялпи мажлисида муҳокама қилиб, Ҳукуматнинг асосий йўналишларига таъсир қилиши ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу конституциявий ҳуқуқ назариясида дастлабки назорат деб номланади. Яъни шахс ҳали лавозимга киришишидан аввал, ҳали у ёки бу ҳаракатни амалга оширмасдан олдин, унинг кўрсатилаётган лавозимга лойиқлиги, малакаси, тажрибаси, ишончлилиги, шахсий ва касбий фазилатлари баҳоланади.

Бу жараёнда парламент қўмитасининг ўрни ҳам беқиёс. Чунки парламент қўмиталари тизими барча вазирликларни қамраб олади. Яъни содда қилиб тушунтирадиган бўлсак, ҳар бир вазирликнинг фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширадиган парламентнинг тармоқ қўмитаси ҳам мавжуд бўлади. Ялпи мажлисдан аввал асосий муҳокамалар, танқидлар, баҳс-мунозаралар одатда қўмиталарда кечади.

Қайд этиш жоизки, бундай тартиб дунёнинг кўпгина демократик давлатларида қўлланилади. Масалан, АҚШда Президент вазирларни Сенат маъқуллаганидан сўнг тайинласа, Францияда эса палаталарнинг ваколатли қўмиталарининг хулосаларидан сўнггина Президент лавозимга тайинлайди.

**Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда парламентга тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этиши ҳам муҳим демократик таомил ҳисобланади.** Барча демократик давлатларда давлат бошлиғининг парламентга мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш Ҳукумат зиммасига юкланади.

Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда парламентга ҳисобот тақдим этиши белгилаб олган режаларимиз бажарилишини халқ вакиллари иштирокида танқидий таҳлил қилишга, қатъий тартиб-интизомни ўрнатишга, Ҳукумат аъзоларининг шахсий жавобгарлиги янада ошишига хизмат қилади. Албатта, бу жараён оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиб, фуқаролар Мурожаатномада белгилаб берилган вазифаларни бажариш бўйича ҳукумат қандай иш олиб бораётганидан хабардор бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонун давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини оширишга, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтиришга, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти бошлиқ ўринбосари, юридик фанлар доктори**

# ИЛМ — миллатнинг боқий хазинаси

**Заминнинг инсоният ҳаёт кечирган ҳамма нуқталарида барча даврларда илм-фаннинг ривожига, ёшларга таълим беришга, уларнинг билимини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки инсоният илм-фан ҳаётда тараққиётни белгиловчи омиллардан бири эканини қадим-қадимлардан яхши билган. Бу жараён, яъни ёшларга таълим бериш, илм-фандан баҳраманд қилишдан иборат устувор иш бугун ҳам дунёнинг ҳамма нуқталарида муттасил давом этмоқда. Улуғ шоирлардан бири айтганидек:**

***Кимнинг илми таълими боқийдир,***
***Қўлида унинг хазинаи илоҳийдир.***



Юртимизда ҳам ана шу боқий хазинага эга бўлиш, бу илоҳий мулкни янада бойитиш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Кейинги икки йилдан ошиқ вақт мобайнида илм-фанни юксалтириш, таълим сифатини яхшилаш, уни янада кучайтириш учун давлатимиз томонидан ўндан ортиқ қарорлар, фармонлар, фармойишлар қабул қилинди. Кўплаб янги мактаблар, ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, академик лицейлар, махсус илмий марказлар барпо этилди. Иқтидорли ёшлар учун турли жамғармалар ташкил қилиниб, улар фаолият олиб бормоқда. Ўқитувчи, мураббийларнинг яхши ишлашлари учун, ўқувчиларнинг тўла билим олишлари, етук инсонлар бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йилнинг 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, умумий ўрта таълим муассасалари ва академик лицейларнинг иқтидорли битирувчиларини рағбатлантириш мақсадида уларни олтин ва кумуш медаллар билан тақдирлаш ҳақида Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг 22 февралида қарор қабул қилиниши ва шунга мувофиқ Низомнинг тасдиқланиши ушбу соҳада амалга оширилаётган навбатдаги хайрли ишлардан бири ҳисобланади. Қарор ва Низомга кўра, олтин ва кумуш медаллар билан умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, ихтисослаштирилган мактаблар, ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаб-интернатлари, спорт йўналишидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ҳамда академик лицейларнинг иқтидорли битирувчилари тақдирланишлари белгиланган.

Олтин медаль умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси мавжуд бўлган, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10 ва 11-синфларида барча фанлар бўйича якуний назоратлар, чораклик ва йиллик баҳолари аъло бўлган ёки академик лицейларнинг барча курсларида ҳамма фанлар бўйича якуний назоратлар, ярим йиллик ва йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган битирувчиларга берилиши кўзда тутилган. Кумуш медаль эса умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-синфини битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатномаси бўлган, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10 ва 11-синфларида ёки академик лицейларнинг ҳамма курсларида барча фанлар бўйича йиллик баҳолари аъло бўлган, намунали хулқ-атворли ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган битирувчиларга берилиши кўрсатилган.

Қарордан кўзланган мақсад аён, яъни ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини янада оширишга, ёшлар ўртасида таълим борасида соғлом рақобатни шакллантиришга, иқтидорли ўқувчилар билимини рағбатлантиришга, тақдирлашга эътибор қаратилган. Қарорда ўрта таълим муассасаларини олтин ва кумуш медаллар билан битирганларга олий ўқув юртларига кириш учун имтиёз бериш белгиланмаган. Бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор.

Биринчидан, бундай имтиёзнинг берилиши умумий ўрта таълим муассасаларида "медаллар учун курашнинг авж олишига", собиқ шўролар давридагидек коррупциянинг юзага келишига имкон туғдиради. Аъло баҳоларга ўқиганлар четда қолиб, ўртамиёна билимга эга ўқувчилар таниш-билишчилик ва пора эвазига медалчиларга айланишлари мумкин.

Иккинчидан, медалга номзодлар танланганда, унинг шартига кўра, номзодлар аъло баҳоларга ўқиш билан биргаликда намунали хулққа эга бўлиши, жамоат ишларида фаол қатнашиши ҳам талаб этилади. Шундай экан, баъзан мактабларда ниҳоятда иқтидорли, илмий шуури юксак ўқувчилар бўлиши мумкин. Аъло баҳоларга ўқийдиган бундай ўқувчилар аксарият ҳолларда жамоатчилик ишларидан ўзини четда тутишга ҳаракат қиладилар. Бундай пайтда улар ўрнига илмий иқтидори юксак бўлмаса ҳам аъло баҳоларга ўқийдиган, жамоатчилик ишларига бош-қош бўладиганлар топилади. Медаллар эса ана шундайларга насиб этади. Шу ўринда умумий ўрта таълим муассасаларини медаль билан битирган ёшларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилмаганлиги мақсадга мувофиқ келади.

Негаки, бундай имтиёз берилса, мактабдаги энг иқтидорли ўқувчи четда қолиб, медаль эгаси бўлган жамоатчи ўқувчи бу имтиёздан фойдаланади. Бу эса адолатсизликка олиб келади. Ҳозирги имтиёзсиз ҳолатда эса олий ўқув юртига киришда талабгор ёшларнинг ҳаммасига фақат юксак билимни намойиш қилишдек тенг имконият берилади. Медалга сазовор бўлган ёшлар эса ҳар қандай шароитда ҳам, агар у ҳақиқий билим эгаси бўлса, ўзларини кўрсата оладилар. Демак, *қарорга кўра битирувчиларга бериладиган медаллар улар учун рағбат, тақдирлов воситаси, холос.*

Учинчидан, дунё мамлакатларининг аксариятида мактаб тизимида ўқувчиларнинг аъло ўқиши, яхши хулқи, жамоатчилик фаолияти учун бундай медаллар ва шунга монанд тақдирловлар таъсис этилмаган. Уларда ёшларнинг ўқиши, билим олиши ҳаётий эҳтиёжлардан бири сифатида қаралади. Тақдирловлар ва медаллар таъсис этилган мамлакатларнинг кўпчилигида эса бундай мукофотларга эга бўлган ёшларга олий ўқув юртларига кириб ўқиши ёки бошқа соҳаларда фаолият юритиши учун имтиёзлар берилмаган. Айни пайтда, бугун республикамиз ёшларидан баъзилари хорижий давлатларнинг олий ўқув юртларида ўқиш учун йўл олмоқдалар ёки мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар олий ўқув юртларида таълим олишга интилмоқдалар. Бу жараёнда, табиийки, медалчиларга бериладиган имтиёзлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Қолаверса, эндиликда нодавлат таълим муассасалари, хусусий ва бошқа типдаги мактаблар пайдо бўлмоқда. Келгусида чет эллардан келадиган ишбилармонлар, тадбиркорлар томонидан янги мактаблар, таълим муассасалари ҳам очилиши эҳтимолдан холи эмас. Улар жаҳон тажрибаси асосида фаолият олиб бориши шубҳасиз. Шу маънода Вазирлар Маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлиги томонидан иқтидорли ёшлар учун медалларнинг таъсис этилиши, лекин бу медаль эгаларига олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар берилмаганлиги ниҳоятда тўғри бўлган.

Аммо бу масаланинг бир томони. Шу ўринда унинг иккинчи томони ҳам бор. *Агар Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида умумий ўрта таълим муассасаларининг энг яхши битирувчиларини рағбатлантириш учун медаллар таъсис этилган, лекин бу медаллар эгаларига ҳеч қандай имтиёзлар берилмасдан улар олий ўқув юртларига ягона имтиёз — фақат билим асосида қабул қилиниши белгиланган экан, эндиликда олий ўқув юртларига рухсат этилган имтиёзли қабул жараёнлари хусусида ҳам жиддий ўйлаб кўриш фурсати етмадимикан?*

Тасаввур қилинг, ҳарбий хизматни яхши ўтаган, хулқи билан ибрат бўлган, ҳарбийлар орасида билим даражаси юксакроқ ҳисобланган ёшларга олий ўқув юртига киришда имтиёзлар берилади. Ахир ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг Ватан олдидаги бурчи-ку?! Бу бурчни аъло даражада ўтаганларга мукофотлар бериш, орден-медаллар билан тақдирлаш мақсадга мувофиқ эмасми? Яхши ҳарбий хизматчининг илм-фанга, олий ўқув юртига имтиёзли ўқишга киришга қандай алоқаси бор?! Ёки йигитлар ҳарбийга боргач, у ерда хизмат қилмасдан турли фанлардан тайёргарликдан ўтаётганмиканлар?

Ёхуд олий ўқув юртларига имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлганлар қаторида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган қизларимиз ҳам бор. Маълумки, бу мукофот билан илм-фан, адабиёт, санъат, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари бўйича катта ютуқларга эришган қизлар тақдирланади. Хўш, бу мукофотнинг илм-фан соҳасида имтиёз бериш билан қандай боғлиқлик томони бор? Ахир юртимиздаги бошқа соҳалардаги давлат мукофотлари соҳибларига бундай имтиёзлар берилмаган-ку?!

Айтмоқчи бўлганимиз, **мамлакатимизда илм-фан соҳасида, олий ўқув юртларига ўқишга кириш борасида асосий мезон фақат билим, қобилият, иқтидор қилиб белгиланган экан, бу борада бирор жабҳада орқага қайтиш, чекиниш, кимгадир имтиёз бериш бўлмаслиги керак, деган фикрдамиз. Илм-фан соҳаси ана шунда янада ривож топади, мамлакат тараққиётининг асосига айланади.**

Ҳақиқатан, илм-фан ҳар бир мамлакатнинг, халқнинг, миллатнинг боқий хазинаси ҳисобланади. Бу асло камаймайдиган, доимо тўлишиб борадиган хазинани юксак иқтидор, қобилият, талант эгаси бўлган илоҳий қудрат соҳиблари доимо бойитиб боради. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида белгиланган рағбатлантиришлар ана шундай юксак иқтидор соҳибларига эҳтиром, эътибор ифодасидир.

**Гўзал МАТЁҚУБОВА,**
**П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

# Ҳар кеча қадру ҳар саҳар Наврўздир

Наврўз — табиат қўйнида ўзгаришлар бошланган, яъни қишнинг қаҳратон совуқлари, аёзлари барҳам топиб, замин бағрига илиқлик инган, дов-дарахтлар, майсалар, новдалар уйғониб, куртаклар ниш ура бошлаган, сувлар шалдираб оқиб тоғу тошлардан ошиб далалар томон йўл олган, самода хуш саболар эсган, офтоб тафтидан атрофга насим ҳаволар таралган, ҳамалда тун билан кун тенг келган пайт, янги кун ҳисобланади.



Бу кун Шарқ давлатларида, хусусан, Марказий Осиё ва унга туташ мамлакатларда табиатнинг уйғониши, янгиланиши, ўзгариши билан биргаликда Янги йилнинг бошланиши улуғ байрам сифатида нишонланган. Бу улуғ байрамга бағишлаб халқ томонидан сайллар ўтказилган, куй-қўшиқлар тўқилган, турфа хил таомлар тайёрланган. Байрам муносабати билан халқлар, давлатлар ўртасида урушларга, одамлар орасида низоларга барҳам берилган. Инсонлар ўртасида дўстлик, биродарлик риштаалари қаттиқроқ боғланган. Деҳқонлар далалар бағрига йўл олганлар. Ерни шудгорлаш, уруғ қадаш, янги ҳосилга замин яратишга киришганлар. Боғ-роғларга, мевали дарахтларга оро берганлар.

Шунинг учун шарқ мутафаккирлари, шоирлари, илм аҳллари бу кун, бу байрамни улуғлаб асарлар ёзганлар. Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий "Китоб сурат ул-арз", Абу Бакр Наршахий "Бухоро тарихи", Абу Райҳон Беруний "Осор ул-боқия", Абулқосим Фирдавсий "Шоҳнома", Ҳаким ат-Термизий "Наврўзнома", "Солнома", Абу Бакр ал-Хоразмий "Рисолалар", Умар Хайём "Наврўзнома", Лутфий "Гул ва Наврўз" ва бошқа шу каби кўплаб улуғ аждодларимиз асарларида бу кун, унинг келиб чиқиши, хосияти, аҳамияти, байрам сифатида улуғланиши, тарихи, қайси халқлар томонидан қандай нишонланиши ҳақида турфа маълумотлар ёзиб қолдирганлар.

Умар Ҳаём "Наврўзнома" асарида бу куннинг пайдо бўлиши ва байрамга айланиши ҳақида шундай деб ёзади: "Исфандармуз ойида мевали дарахт ва ўсимликлар кўкара бошлайди. Офтоб бу ойда охирги Ҳут буржига етиб келади. Каюмарс вақтни ўн икки бўлакка бўлди ва йил ҳисобининг бошланишини белгилади. Бу орада тарихдан бир минг қирқ йил ўтди ва офтоб Фарвардиннинг биринчисида тўққизинчи буржг (Қавс)га кирди. Жамшид подшоҳлигининг тўрт юз йигирма биринчи йили ўтгач, бу давр тугади ва қуёш ўз Фарвардинида Ҳамалнинг бошига қайтиб келди. Шундай қилиб, дунё мувозанатга келди. (Яъни кун билан тун тенглашди. — Муаллиф изоҳи.) Биз эслатган бу кунда у байрам ташкил қилди, унга "Наврўз" деб ном берди ва одамларга ҳар йили Фарвардин келганда байрам қилишни ва ўша кунни Янги (йил) деб ҳисоблашни, қуёш турганча Наврўз ҳам барқарор бўлсин, деб буюрди".

Наврўзнинг ниҳоятда қадимийлигини ва бу байрамнинг шарқ халқлари ҳаётида муҳим ўрин тутишини яна бир улуғ аждодимиз Абу Бакр Муҳаммад Наршахий "Бухоро тарихи" асарида ҳам эътироф этади. У Бухоро яқинидаги Варахша қальъаси ҳақида маълумот берар экан, шундай деб ёзади: "Бу ерда ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса одамлар йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — янги йил байрамини ўтказадилар. Буни "Наврўзи кишоварзон" — "Деҳқонлар наврўзи" дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг наврўзи ундан беш кун кейин келади"...

Бу маълумотлардан англашилиб турибдики, Наврўз — янги кун, табиатнинг уйғониш айёми сифатида барча даврларда улуғланиб келган. Деҳқонлар бу кунни ўз фаолиятларининг боши, экинлар экишнинг бошланғич куни деб қараган бўлсалар, оловни илоҳий куч деб билган зардуштийлар "Бу илоҳий куч Қуёшнинг бир парчаси, Қуёш эса "Оллоҳнинг жамоли", куну туннинг тенг келиши Оллоҳнинг қудрати" дея улуғлаганлар ва бу кунни ўз динларининг асосий байрами сифатида нишонлаганлар. Оташпарастлар наврўзи деҳқонлар наврўзидан беш кун кейин келиши ҳақида эса яна бир улуғ муаррих Абул Ҳасан Нишопурий "Хазоин ул-улум" асарида бошқа бир маълумотни ҳам келтиради. Маълумки, Сиёвуш отаси Кайковус ёнидан узоқлашиб Афросиёб ҳузурига келади. Афросиёб унга қизини ва мулкидан бир қисмини беради. Сиёвуш Бухоро ҳисорини бунёд қилдиради. Лекин Афросиёб ёмон одамлар қутқуси билан Сиёвушни ўлдиртиради. Уни ўзи бино қилдиртирган Бухоро ҳисорининг ичига "Дарвозаи ғуриён" деб аталган дарвоза яқинига дафн қилишади. "Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутдилар, — деб ёзади муаррих, — ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвуш ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Қўшиқчилар уни "оташпарастлар йиғиси" дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди".

Агар муаррихнинг бу маълумотлари ҳақиқат деб эътироф этиладиган бўлса, Наврўзнинг байрам сифатида нишонланиб келинаётганининг ўзи 4-5 минг йиллик тарихдан гувоҳлик беради. Бу тарихий маълумотлар Наврўз байрамининг нафақат қадимийлигини, балки унинг туб илдизлари, келиб чиқиши юртимиз билан боғлиқлигини ҳам исботлайди. Наврўз қайси замон, қандай даврон бўлмасин, юртимизда кимлар ҳукмронлик қилмасин, барча даврларда буюк қадрият сифатида улуғланиб келган. Ўлкамизга босқинлар ва бу байрамга нисбатан тақиқлар ҳам уни халқимиз, миллатимиз қалбидан ўчира олмаган. Бу байрам биз учун ҳаёт абадийлигини, табиатнинг яшариш, янгиланиш қудратини, саховатини, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни, қадриятларимизни намоён этувчи байрам сифатида яшаб келмоқда. Энг муҳими, унда халқимизга, миллатимизга хос юксак инсонийлик, меҳр-мурувват, оқибат, саховатпешалик, бағрикенглик, самимийлик каби қадриятлар намоён бўлмоқда.

Наврўз юртимизга ҳар доим баҳорий ўзгариш, яшариш, гўзаллик билан кириб келган. Табиатдаги гўзаллик байрамга айрича шукуҳ бағишлаган. Шу аснода кўнгилга мутасаввуф шоир Фаридиддин Атторнинг

*Гул чеҳрасида насими*
*Наврўз хушдир,*
*Гулшан аро рухсори*
*дилафрўз хушдир.*

Паҳлавон Маҳмуднинг

*Ҳар бир куни умрингни*
*ёруғ юлдуздир,*
*Ҳар кеча қадру ҳар саҳар*
*Наврўздир.*

Ёки улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг

*Зулфу рухсор ила комингга*
*мени еткурсанг,*
*Ҳар тунинг қадр ўлубон,*
*ҳар кунинг ўлсин Наврўз,*

деган гўзал байтлари келади. Одатда, Наврўз арафасида табиатдаги уйғониш одамлар қалбида ҳам акс-садо беради. Хонадонларда, кўча-кўйларда, маҳаллаларда, қишлоқ ва овулларда, шаҳарларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тозалаш, орасталик ишлари бошланиб, булар умумхалқ ҳашарларига улашиб кетади.

Бу йилги Наврўз байрами мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ҳам кўплаб бунёдкорлик ишлари, яратувчиликлар, янгиланишлар амалга оширилган, улкан ўзгаришлар юзага келган ҳолда кутиб олинмоқда. Тошкент шаҳрида барпо этилаётган метро йўллари, Сергели туманидаги уй-жойлар, Металлургия заводи, «Toshkent city», «Olmazor city», Жиззах вилоятида қад ростлаётган автомобиль заводи, "Mega invest industrial" қўшма корхонаси, Қорақалпоғистонда Мўйноқ шаҳридаги қурилишлар ва Орол денгизининг сувсиз сатҳи ўрнида яшил зоналарнинг яратилаётгани, Хива ва Бухоро, Самарқанднинг туризм шаҳарларига айлантирилаётгани, Наманган, Қашқадарё вилоятларида йирик саноат мажмуаларининг тикланаётгани, Сурхондарё, Фарғона, Андижон вилоятларидаги аграр, саноат соҳасидаги улкан ўзгаришлар, Навоий вилоятида қурилаётган янги саноат корхоналари, юртимизнинг турли ҳудудларида барпо қилинадиган атом электр станциялари, мактаблар, олий ўқув юртларининг бинолари ана шу бунёдкорликларнинг бир қисми ҳисобланади. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг кўплаб қишлоқлари, маҳаллаларида "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" дастурлари асосида амалга оширилаётган қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари натижасида юзага келаётган кўркамликлар, гўзалликлар ҳам ҳар қандай одамнинг қалбида Наврўз насимлари каби қувонч уйғотади.

Президентимиз шу йилнинг ўзида Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Наманган ва Навоий вилоятларига, Тошкент шаҳрининг бунёдкорлик масканларига ташриф буюриб, амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан танишди. Бу ерларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қилиниши зарур бўлган янги вазифаларни белгилаб берди, фойдаланилмаётган имкониятлардан фойдаланиш йўлларини кўрсатди. Бугунги бунёдкорликлар, яратувчиликлар келажакнинг мустаҳкам пойдевори эканлигини алоҳида таъкидлади. Наврўз байрами эндиликда халқимизнинг маънавий қудратининг, қадриятларининг, урф-одат, анъаналарининг қанчалик юксак эканлигини намоён қилса, мамлакатимизда қад ростлаётган улуғвор иншоотлар, бинолар, саноат корхоналари, ташкил этилаётган аграр хўжаликлари юртимизнинг келажаги буюк эканлигидан дарак беради.

Эътибор беринг, мамлакатимизда кейинги йилларда 21 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган. Бунинг аксарияти саноат ва аграр соҳага ихтисослашган эркин иқтисодий зоналардан иборат. Айни пайтда фармацевтика, туризм, спорт, болалар спорти билан боғлиқ эркин иқтисодий зоналар ҳам вужудга келган. Ушбу зоналардаги корхоналарнинг кўпчилиги хорижий мамлакатлар корхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилиб, маҳсулотларининг асоси қисмини экспорт қилмоқдалар. Энг муҳими, ана шу эркин иқтисодий зоналарда халқимиз учун 43 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган.

Ҳар бир байрамга, тўйга тўёна билан бориш халқимизга хос одат. Юқоридаги айтганимиз катта бунёдкорликлар ушбу байрамга муносиб тўёналар ҳисобланади. Айни пайтда, юртимизда, пойтахтимиз Тошкентда ушбу муборак байрамга атаб яна бир совға тайёрланмоқда. Шаҳарнинг қоқ марказида ушбу байрам тантаналари ўтказиладиган "Наврўз" боғи яратилмоқда. Бу боғ бағрида байрам тантаналари қадим қадриятларимизга ҳамоҳанг тарзда, юксак ва кўтаринки руҳда ўтишига шубҳа йўқ!

Наврўз табиатни, кун ва тунни мувозанатга келтирувчи айём эди. Энди у инсонларни, халқларни, мамлакатларни, ҳаётни мувозанатга келтирувчи, барча яхшиликларни, гўзалликларни қарор топтирувчи байрамга айланди.

Бунёдкор элнинг, бунёдкор халқнинг улуғ байрами — Наврўз муборак бўлсин!

**Камол МУҲАММАД ЁҚУБ**

# Халқ даҳосига ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 1 ноябрда имзоланган "Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарор ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтиришда дастуруламал ҳужжат ҳисобланади.

Жорий йилнинг 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтказиладиган ушбу халқаро фестивалга дунёнинг кўплаб давлатларидан фольклоршунос олимлар, бахши-шоирлар, оқин ва жировлар, ижодий жамоалар, мухлислар ва бошқа меҳмонлар келиши кутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги қарори билан фестивални ташкил этиш бўйича тасдиқланган "йўл харитаси" асосида мазкур халқаро фестивалга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.



Шубҳасиз, "Алпомиш" достони халқ оғзаки ижодининг ноёб намуналаридан бири. Аждодларимиз қолдирган бебаҳо мерос. Манбаларда қайд этилишича, "Алпомиш"ни туркий халқлар вакиллари — ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, бошқирд ва бошқа миллат бахшилари ҳам куйлаб келишган. Достоннинг турли халқлар тилидан куйланган қирқдан ортиқ варианти мавжуд. Аммо адабий-бадиий ва ғоявий баркамоллиги жиҳатидан улардан биронтаси ўзбекча талқини билан баҳс бойлаша олмайди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, азал-азалдан қўлига дўмбира ушлаб, бахшичиликка даъво қилган ҳар бир ижодкор "Алпомиш"ни куйлашни ўзи учун катта шараф деб билган. Лекин халқ орасида Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиниб, китоб ҳолида чоп этилган варианти кўпроқ оммалашган.

"Алпомиш"нинг оммалашуви ва янада сайқал топишида Сурхон воҳаси бахшиларининг ҳиссаси катта. Уни Қумқўрғоннинг Оққапчиғайидан чиққан Зулхумор дегич аёл бахши ҳам суйиб-суйиб айтади.

Кейинги даврларда "Алпомиш"ни, айниқса, Чорша бахши, Хушбоқ бахши ҳамда ака-ука Қора ва Чори бахшилар зўр маҳорат билан куйлашди. Уларнинг ҳар бири асарнинг мукаммал ва пухта-пишиқ вариантини яратишга муваффақ бўлишган. Дарвоқе, достоннинг Хушбоқ Мардонқул ўғлидан ёзиб олинган талқини "Ёзувчи" нашриёти томонидан чоп қилиниб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди. Достоннинг Чорша бахши ва Қора бахши варианти ҳам қоғозга туширилиб, нашрга тайёрланмоқда.

Сурхон бахшиларининг "Алпомиш"га меҳру муҳаббат билан қарашларининг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Улар асарда куйланган воқеалар айнан шу диёрда бўлиб ўтганига ишонишади. Бунинг устига достоннинг асл нусхаси ҳам худди шу воҳада яратилганига сира шубҳа қилишмайди. Бунга далил-исботлар келтиришади. Чунки достонда тилга олинган аксарият жуғрофий жой ва уруғларнинг номлари, урф-одатлари ҳозир ҳам Сурхон воҳасида сақланиб қолган. Қолаверса, асар тили ҳам воҳа аҳли тилига ҳамоҳанг.

*Достонда Алпомиш «Мени билсанг, қўнғиротнинг оғаси, бошимда бор эди зардан жиғаси. Ёз бўлса, яйловим Аму ёқаси, Мен бўламан Бойсун-Қўнғирот тўраси» дейди. Бойчибор ва Кўкдўнан бир-биридан ўзиш учун талашган дашт Кўҳитангтоғ ва Амударё оралиғида ястаниб ётибди. Уни Таллашқон (талашган) дейишади. Чори бахши Кўҳитангтоғ этагидаги бир чўққини кўрсатиб шундай дегани ёдимда:*

*"Мана шу дўнгнинг отини Тиловтўпа дейдилар. Ана шу тўбага чиқиб, Ойбарчин Алпомишнинг оти Бойчиборга тилов (тилак) қилган. "Қурайт-а, қурайт, тўрамнинг оти!" дея бўзлаган".*

Истасангиз, Сурхон бахшилари сизга Арпаликўл ва Чилбир чўлини кўрсатишади. Воҳада Ҳовдак кўли бор ва у ҳозир ҳам айнан шундай номланади. Кўпчилик Бобохон тоғини Боботоғ, деб тасаввур қилади. Билгичларнинг айтишича, Кўкқамиш ва Кўктўқай Бойсуннинг Сариқамиш қишлоғи ҳудудида бўлган. Достонда яна "Қалдирғочнинг эри Бектемир тортувли қўнғиротнинг, Алпомиш қанжиғали қўнғиротнинг беги эди" дейилади. Маълумки, бугун Сурхондарёда қўнғиротнинг кўпроқ мана шу уруғлари истиқомат қилишади. Эътибор берсангиз, достонда яна "Қалмоқ билан Бойсун ораси олти ойлик йўл. Ўртада тўқсон тоғ бор" дейилган. Бу ерда ҳам гўё Бойсун тоғларидан бошланадиган узоқ йўл назарда тутилгандек...

Майли, ким нима деса десин. Лекин менинг айтарим, Алпомиш ЎЗБЕК дегич КАТТА БИР МИЛЛАТнинг, УЛУҒ ҚАҲРАМОНИдир!

Шунинг учун ҳам 1998 йил 12 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Алпомиш" достонининг катта тўйини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилганди. Шундан сўнг вилоятда катта ишлар амалга оширилди. Тегишли дастурга кўра, мазкур байрам ўша йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида халқаро конференция ўтказиш билан бошланди. Тадбирнинг асосий тантаналари эса воҳамизда бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг деярли барча вилоят ва шаҳарларидан вакиллар қатнашди. Табиийки, тадбирни бахшилар бошлаб беришди. Улар басма-басига "Алпомиш"дан парчалар айтишди. Вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари достоннинг саҳна кўринишларини ижро этишди.

Бойсун туманида Алпомишга улкан ҳайкал ўрнатилди. Дарвоқе, яқинда шаҳримизда бунёд этилган муҳташам ва кўркам Санъат саройи ёнида афсонавий халқ қаҳрамонига яна бир улуғвор ҳайкал ўрнатилгани нур устига нур бўлди. Аслида "Алпомиш" достони улуғ халқимизга улуғ бахшилари томонидан қўйилган умрбоқий ҳайкалдир!

"Алпомиш"да халқимизнинг олижаноб қалби жўш уриб турибди. Бепоён ва беғубор хаёлот олами жилоланади. Қолаверса, достонда шавкатли ўтмишимиз, урф-одатларимиз, бой тилимиз ўз ифодасини топган. Аждодларимизнинг орзу-умидлари, қувончу шодликлари, қайғу-ҳасратлари мужассам. Бас, шундай экан, у қаерда яратилган бўлишидан қатъи назар, она халқимизнинг, ҳатто бутун туркийзабон элларнинг бебаҳо хазинасидир.

**Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,**
Сурхондарё вилояти

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

**— Ярим тунда телевизорни баланд қилиб кўриш мумкинми?**

*С.АЛИМОВ, Қўқон шаҳри*

— Соат 23:00 дан 06:00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузишга маъмурий жавобгарлик мавжуд. Тунги вақтда соат 23:00 дан 06:00 гача, яъни:

баланд овоз билан қўшиқ айтиш;

мусиқа чалиш;

товуш сигналлари бериш;

хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитафонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш;

тураржой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисми (67 минг 576 сўм), мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан (67 минг 576 сўм) иккидан бир қисмигача (101 минг 365 сўм) маъмурий жарима солишга сабаб бўлади.

**— Уйимиз марҳум отамнинг номида. Уйда онам ва мен оилам билан яшаймиз, оилада 4 фарзандмиз. Ака-опаларимнинг уй-жойлари бор, фарзандлар ўртасида уй масаласида ҳеч қандай низо йўқ. Уй қонуний кимнинг номига расмийлаштирилади?**

А.АБДИЕВ, Марғилон шаҳри

— Сиз Фуқаролик кодексига асосан биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирасиз. Мерос очилгандан сўнг нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилади.

Мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда нотариуслар бу мулклар мулкдорга тегишлилигини текширади, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мулкни бошқа шахсга ўтказаётганда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

**Саволларга Фарғона шаҳар 2-сонли ДНИ нотариуси Муқаддасхон ЭГАМБЕРДИЕВА жавоб берди.**

МЕРОС

# Унутилмас қадриятлар

**Дилларни ҳаяжону қувончга тўлдириб ўлкамизга Наврўзи олам келди! Она ер уйғониб, атроф яшилликка бурканди, дов-дарахтлар гуллардан либос кийиб, табиатни келинчакмисол ясатди. Ҳамал келди, амал келди, деб бежиз айтилмаган. Бугун қишлоқ манзараси кўнгилларни тўлқинлантиради, шоир қалбига шеър илҳомини солади: барча енг шимариб, бел боғлаб ишга киришган, далаларда ер ҳайдалиб, барака уруғлари қадала бошланди, ариқ ва зовурлар тозаланиб, ризқу насибага барака берувчи зилол сувлар оқмоқда. Иссиқ ўлкаларга учиб кетган қушлар осмонларни тўлдириб, яна она юртимизга қайтиб келишмоқда. Диёримиздаги барча маҳалла ва илм масканларида, ишхоналарда, хонадонларда дошқозонларни тўлдириб сумалак пиширилмоқда. Қўшнилар бир-бирига баҳорий таомларни илинади. Мана шу эмасми гул Наврўзимизнинг асл қадриятлари!**




Боғот маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ҳам "Наврўзим — ризқу рўзим, хуш келибсан!" деб номланган тадбир ўтказилди. Маҳалламиздаги кайвони онахонлар бошчилигида кун давомида катта дошқозонда сумалак пиширилар экан, илм маскани ўқувчилари билан бирга мен раҳбарлик қилаётган 2-сонли ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси ошпаз-новвой йўналиши йигит-қизлари буғдой кўкартиришдан то уни тайёрлаб, қозонга солгунча ва пиширилиб, дастурхонга тортгунча бўлган жараёнларда фаол иштирок этишди. Сумалак пиширишнинг гашти ўзгача: нафақат қозон бошидаги, балки йўлдан ўтган-кетганлар ҳам "Ҳорманг!" деб, катта кафтгирни олиб, қозон кавлашади, онахонлар эса: "Яхши ниятларингизни айтиб кавланг, болам, худо хоҳласа ниятингизга етасиз", дейишади. Фарзанд кўриш илинжида юрган келинларни кўп фарзандли аёллар қозон атрофида айлантиришади, кўпчилик бўлиб дуо қилишади. "Кўпнинг дуоси кўл бўлади", дейишади. Сумалак тошмаслиги учун қозонга майда тош ва ёнғоқ солишади. Сумалак пишганда эса тош ва ёнғоқлар талаш бўлиб кетади. Кимга тош ва ёнғоқ тушса, оиласидан бахт аримайди, дейишади. Балки бу бир иримдир. Аммо яхши ният ва ишончнинг ўзи кишиларни орзулар осмони сари интилишга ундайди. Қандай беғубор ва тоза кўнгилли гўзал қадриятларимиз бор-а!

Наврўз — қадимий қадриятларимизни улуғловчи байрам. Шу боис дастурхонимиз ҳеч қайси фасл ва ҳеч бир тўкин дастурхонда учрамайдиган ноз-неъматлар билан тўла бўлди: баҳорий кўкатлардан тайёрланган турли-туман таомларни кўриб, пазанда момоларимиз маҳоратига таҳсин ўқийди киши. Гуруҳимиздаги ҳар бир қиз кайвони онахонлар хонадонларига бориб, улардан Хоразм иқлимига хос ва мос, момоларимиз томонидан тайёрланган ва бугунги кунда унутилаёзган, "илик узилди" паллада инсон организми учун кони фойда буғдой ва жўхори унидан зоғора, патрак, шунингдек, бедадан кўк чучвара, илдирма каби таомларни, кўкатли нонларни тайёрлашни ўрганиб, байрам дастурхонига тортишди. Пазанда қизларимиз замин тортиғи бўлмиш кўкатлардан 8 хил манти тугишди.

Атала, сиқмон оши, курдик, гўжа каби Хоразм иқлимига мос суюқ овқатларни айтмайсизми? Ёзнинг жазирамасида бир коса гўжа ичган одамнинг бахри-дили очилади. Қишнинг қаҳратонида сиқмон оши ва курдик еган кишининг танаси яйрайди, вужудига иссиқлик иниб, куч-кувватга тўлади. Шунинг учун ҳам кекса бўлса-да, соғлом ва бақувват отахонларимиз "биз сиқмон оши, курдик ва зоғора нонни еб улғайганмиз", дея фахрланишади.

Халқимизнинг унутилаёзган миллий таомлари байрам дастурхонига тортилгани унга янада файз бағишлади. Ахир бу байрамни нишонлашдан асосий мақсад ҳам унутилаётган қадриятларимизни тиклаш эмасми?! Айниқса, мени қувонтиргани, бўлғуси ошпазларимизнинг Наврўз сабабли халқимизнинг унутилаёзган таомларини ўрганганликларидир. Чунки бугунги ўқувчилар келажакда нафақат ошпаз-новвой, балки тадбиркор бўлишади. Уларнинг ҳар бири ўз хонадонида ёки тадбиркорлик ошхонасида бундай таомларни тайёрласа, уларни мижозлар севиб тановул қилиши билан бирга миллий қадриятларимизнинг яна бир қисми дастурхонларимизга қайтади.

Наврўз тадбирида бўлғуси ошпаз-новвойлар нафақат қадимий таомларни тайёрлаш бўйича беллашдилар, балки тадбир қатнашчиларини уларнинг тайёрланиши ва инсон организмига фойдаси ҳақидаги маълумотлар билан ҳам таништирдилар.

Гуруҳимиз ёшларининг бундай таомларимизни тайёрлашни ўрганишида маҳалламизнинг пиру бадавлат кексалари Дурдигул она ва Ҳасанбой отанинг ҳиссалари катта бўлди. Улар қизлари ва келинлари билан бирга қишлоқдошларига, ҳатто қўшни туманлардан келган қизиқувчи меҳмонларга ҳам ўз тажрибаларини ўргатишди.

Байрам тадбирида янграган куй ва қўшиқларни ёшларимиз билан бирга маҳалланинг истеъдодли аёллари — онахонлар ва момоларимиз ҳам ижро этишди. Лапарлар, айтишувлар, коллежнинг полвон йигитларининг чиқишлари байрам тадбирини янада қизитди.

Наврўз бир кунлик байрам эмас, у юртимизда узоқ давом этади. Шунинг учун ҳар биримиз яқинларимиздан ширин сўзимизни, меҳрмурувватимизни аямайлик. Зеро, оқибатлилик Наврўзнинг асосий ҳикматидир!

**Саломат ОТАЖОНОВА,**
**Хоразм вилояти, Боғот МХ ва АТКҲК 2-сонли ўқув ишлаб чиқариш мажмуаси касб устаси**

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

**Эрмон баргли амброзия бир йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, унинг ўқ илдизи тупроққа 4 метр чуқурликкача кириб боради. Пояси тик ҳолатда тўғри ўсади, бўйи 20-200 см. атрофида. Супургисимон шохлайдиган бу зарарли ўтнинг тепа қисми учбурчаксимон шаклда бўлади.**

# Эрмон баргли амброзия

Маълумки, эрмон баргли амброзия фақат уруғи билан тарқалади (дон захиралари, уруғлик донлар, дон қолдиқлари, шунингдек, транспорт воситаларига ёпишиб қолган тупроқ воситасида). Унинг уруғлари сузувчан бўлиб, суғориш жараёнида оқава ва ёмғир сувлари билан осон тарқалади.

Эрмон баргли амброзия карантин бегона ўт ҳисобланади. У деярли барча дала экинларини ифлослантиради, айниқса, сабзавот ва ҳайдалма экинлар орасида кучли тарқалади. Амброзия тупроқдаги озуқа моддаларни ўзлаштиришда маданий экинларга нисбатан кучли рақобат қилади ва ҳар қандай тупроқни юқори даражада кучсизланишга олиб келади.

Амброзия тарқалган далаларда деҳқончилик ишларининг сифати пасаяди, бундай далаларда етиштирилган буғдойнинг оқсил таркиби 0,5 фоизга, шишасимонлиги эса 1 фоизга пасаяди. Чуқур агрономик зараридан ташқари, эрмон баргли амброзия инсон саломатлиги учун ҳам зарарлидир. Унинг чанглари "поллиноз" деб аталувчи бир қатор аллергик касалликларни келтириб чиқаради.

Далаларни эрмон баргли амброзиядан тозалашда агротехник чоралар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, алмашлаб экиш қоидаларига қатъий амал қилиш, тупроққа чуқур ишлов бериш, экинларни парваришлашда карантин ўсимликнинг қайта кўпайишига барҳам берувчи тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш (мунтазам чопиқ, бегона ўтларни йўқотиш) лозим. Амброзия билан кучли зарарланган ерларда қора шудгор яхши натижа беради, бунда ишлов бериш тадбирлари тўғри бажарилганда амброзия билан зарарланганлик 70-80 фоизга камаяди. Кучли зарарланган далаларда икки йил узлуксиз кузги ғалладошларни етиштириш (ҳосили йиғиб олингач, ярим қора шудгор қилиш) ҳам яхши натижа беради.

Экин учун зарарли бу ўтга қарши карантин тадбирлари қаторида уруғлик материалларни қатъий назорат қилиш, бегона ўт тарқалган далалар иккинчи йил шудгор қилиб қолдирилиши керак.

Reklama o'rnida

**Б.ХЎЖАМУРАДОВ,**
**"Тошкент-Аэропорт" ўсимликлар карантини чегара маскани мудири**

# Цитрус экинларнинг кушандаси

**Цитрус дарахтларининг учи сарғайиши касаллигини ҳали ном берилмаган вирус қўзғатиши аниқланган. Бу касаллик айрим давлатлардагина учрайди.**

Барча цитрус экинлари ушбу касалликдан зарарланади. Одатда, зарарланган дарахтлар ўсишдан орқада қолади ва нобуд бўлади.

Ҳар хил цитрус экинларида касалликнинг белгилари ҳар хил кечади. Бу касалликка чалинган дарахтларнинг барглари узун, тор ва нотўғри шаклли бўлиб колади, сарғаяди, томирлари ора-ора оч тус олади ва кейинроқ илдизлар нобуд бўлади. Баъзан баргларда хлороз кузатилади ва улар тўкилади. Гуллар кичик, нотўғри шаклли, гулбарглар калта, сарғиш рангли ва қалинлашиб, тўкилади. Мева тугунчалари ҳам тўкилади. Мевалар майда ва силлиқ бўлиб қолади. Касаллик ривожланишининг сўнгги босқичларида дарахт илдизи чирийди.

Касаллик зарарланган ўсимликлардан бошқа ўсимликларга пайванд қилиш жараёнида ўтади. Боғда бир-икки дарахт зарарланган бўлса, касаллик тезда деярли барча дарахтларга юқади. Шу сабабли вирус ҳашаротлар билан ҳам тарқалиши мумкинлиги тахмин қилинади. Вирус уруғ орқали ўтмайди, 5-6 ёшдаги дарахтларга кўра каттароқ ёшдаги дарахтлар кўпроқ зарарланади.

Ўзбекистонга цитрус дарахтларининг учи сарғайиши касаллиги тарқалган мамлакатлардан экишга ва пайванд қилишга мўлжалланган цитрус материаллари ҳамда уруғ олиш учун меваларини олиб келиш ман этилади. Мамлакатимизга селекция ва илмий-тадқиқот мақсадида олиб келинган уруғ ва экиш учун мўлжалланган бошқа материал зарарланганлигини аниқлаш мақсадида лабораторияда экспертиза қилиш ва 3 йил давомида интродукцион-карантин даласида экиб текшириш, касаллик аниқланган тақдирда уларни ёқиб юбориш, зарарланган дарахтларни қазиб олиб йўқотиш чоралари кўрилади.

Дарахтларни ўз вақтида суғориш, ўғитлаш ва юқори агротехника қоидаларига риоя қилиш уларнинг вирус касалликларига чидамлилигини оширади.

**Ф.ТУРҒУНОВ,**
**"Тошкент-Аэропорт" Ўсимликлар карантини чегара маскани инспектори**

# Марҳум "имзолаган" ариза

## У ДУНЁДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИМИ?

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

**Сарлавҳамизни ўқиб ҳайрон бўлгандирсиз? Аммо асло ажабланманг. Шунақаси ҳам бўлар экан. Яна қаерда денг? Ўзининг танти, лафзи ҳалол, меҳнатсевар халқи, олиму фозил, зиёли ва атоқли фарзандлари ҳамда олис Сибиргача етиб борган мева-сабзавотлари билан машҳур бўлган Олтиариқ туманида юз берди.**

**Энди ҳақли савол туғилади: хўш, у қандай ариза эдики, тириклар қолиб марҳум ҳам "имзо чекадиган"?**



Бу — 2019 йил 16 январда Олтиариқ тумани Нақшбандий кўчаси 25-уйда яшовчи Абдукарим Мадалиев номидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олтиариқ туманидаги Халқ қабулхонасига йўлланган ариза экан. Аризанинг қисқача мазмуни шундан иборатки, унда муаллифлар туманнинг Хўжақўрғон ва Отинча кўчалари кесишмасида жойлашган, тумандаги "Ўрта Осиё тайёрловсавдо" жамоа бирлашмасига қарашли 9 хонадан иборат бинонинг тадбиркор — бирлашма раҳбари Абдуҳалил Маматов томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинганини маълум қилиб, ушбу жойни маҳалла гузари сифатида қайтариб олинишида амалий ёрдам сўрашган. Мазкур аризада жами 39 нафар фуқаронинг исм-шарифлари, ёши ва имзоси қайд этилган.

Аввало, бино ҳақида тўхталиб ўтсак. Собиқ иттифоқ даврида бунёд этилган бино илгари Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигига қарашли бўлган. Аммо 1996 йилда хўжаликнинг "Ўрта Осиё тайёрловсавдо" жамоа бирлашмасидан юзага келган қарзи эвазига бирлашмага ўтказиб берилган. Шунга қарамай, бирлашма раиси маълум муддат унинг маҳалла фуқаролар йиғини биноси сифатида фойдаланилишига қаршилик қилмаган. Лекин кейинчалик собиқ МФЙ раиси Мамажўра Холмирзаев ва бошқалар бинони узил-кесил МФЙ идораси тариқасида расмийлаштириш ҳаракатига тушиб қолишган. Натижада бу низо Фарғона вилоят хўжалик судигача етиб борган. Суднинг 2011 йил 11 июлдаги ҳал қилув қарорига биноан эса унга нисбатан "Ўрта Осиё тайёрловсавдо" жамоа бирлашмасининг мулк ҳуқуқи эътироф этилган.

Шундан сўнг А.Маматовнинг мурожаати ва суднинг юқоридаги қарорига мувофиқ, 2011 йил 9 сентябрда туман ҳокимининг 761-сонли қарори қабул қилиниб, ана шу қарор асосида бинога нисбатан кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилган. Бироқ орадан 8 йил ўтиб, маҳалладошлар яна ўша эски масалада ариза ёзишибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги ариза ўша кун(2019 йил 16 январь)нинг ўзидаёқ туман Халқ қабулхонасидан Олтиариқ туман ҳокимлигига юборилган. Туман ҳокимлигининг ишчи гуруҳи томонидан ўрганилганда эса бино билан боғлиқ юқоридаги ҳолатлар аниқланган. Шу боис 2019 йил 14 февралда ариза муаллифларига янги очилган ҳолат бўйича, қайтадан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган ҳолда жавоб хати юборилган. Аммо....

Аммо мурожаатни ўрганишимиз жараёнида унда исм-шарифлари қайд этилган аксарият фуқароларнинг имзоси қалбакилаштирилгани аён бўлди. Энг ачинарлиси, аризага бир нафар марҳум ҳам "имзо чеккани" ҳамда мурожаат воқеадан мутлақо бехабар бўлган маҳалла фаоли Абдукарим Мадалиев номидан юборилганидир. Бинобарин, Абдуҳалил Маматов айни ноқонуний ҳолатдан норози бўлиб, қолаверса, бу хусусда мақола чоп этилишини сўраб, таҳририятимизга мурожаат қилди. Натижада Олтиариқда бўлиб, А.Маматовнинг мурожаати юзасидан журналист суриштируви ўтказдик.

— Январь ойининг ўн тўртинчи ёки ўн бешинчи кунлари эди чамамда. Ўшанда менга маҳалладошимиз Обиджон ҳожи Қосимов қўнғироқ қилиб, фамилиямни сўради. Мен эса фамилиям нима учун кераклигини сўрадим. О.Қосимов аниқ жавоб бермади, — дея эслади Абдукарим Мадалиев. — Шундан кейин мен шахсий ишларим билан Россияга кетиб, 2019 йил 27 январь куни уйга қайтдим. Уйга келсам, ўғлим на салом, на алик бор "Дада, ёзувчи бўлиб қолганмисиз?" деб киноя қилиб сўради. Ишонасизми, ўз боламдан бундай гапни эшитиб, тепа сочим тикка бўлди. Батафсилроқ суриштирсам, гап бу ёқда экан. Эътибор беринг-а, мен 1956 йил 23 августда туғилганман, 63 ёшдаман. Лекин аризада менинг ёшимни 60 ёш, туғилган вақтимни эса 1958 йил 15 май қилиб кўрсатишган. Сохтакорликни шундан ҳам билиш мумкин. Шунинг учун аввал Абдуҳалил акадан кечирим сўрадим. Кейин Обиджон аканикига бордим. Аммо у айбини тан олмади...

Албатта, асоссиз аризани фуқаро Обиджон Қосимов уюштирганини "Хўжақўрғон" МФЙ котиби Наргиза Раҳматованинг сўзларидан ҳам билиб олдик. Боиси аризачилар рўйхатида котибнинг исм-шарифи ва имзоси ҳам борлиги сабабли у билан суҳбатлашдик.

— Имзо қўйганим рост. Бироқ мен ва маҳалла фуқаролар йиғини мутахассиси Назира Акбаралиева имзолаган ариза маҳаллада тиббий пункт ташкил этиш ҳақида эди. Тилга олинган бинонинг ноқонуний эгаллаб олингани тўғрисидаги фикрлар умуман йўқ эди, — дейди Наргиза опа.

Бундан ташқари, журналист суриштируви мобайнида маҳалланинг Бўстон кўчаси 113-уйда яшовчи, аризада 6-рақамда исм-шарифи қайд этилган Ёқубжон Юнусов билан ҳам суҳбатлашдик. Ё.Юнусов аризадаги имзо ўзиники эмаслигини, воқеадан бутунлай бехабар эканлигини маълум қилиб, қалбаки имзо ёнига ўзининг ҳақиқий имзосини чекиб берди.

Кўриниб турибдики, "ташкилотчи"лар кимнидир алдаб имзо қўйдиришган бўлса, кўпгина фуқароларнинг имзосини эса сохталаштиришган. Ҳаттоки улар 2018 йил 7 декабрь куни вафот этган Бойдада Тожибоевнинг имзосини қалбакилаштиришдан ҳам тап тортишмаган. Фақатгина Б.Тожибоевнинг қариндош-уруғ, таниш-билиш ва маҳалла-кўй орасида "Қорабой" деган иккинчи исми ҳам бўлгани сабабли аризага "Тожибоев Қорабой 86 ёшда" дея қайд этилган. Ваҳоланки, 1936 йилда туғилган Б.Тожибоев 82 ёшда бўлган. У кишининг ўлими туман ФҲДЁ бўлимида 2018 йил 19 декабрда 863-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилиб, бу ҳақда I-FR № 0247281-рақамли ҳужжат берилган. Ариза эса 2019 йил 16 январда юборилган.

Хўш, буни эшитиб куясизми, куласизми? Ёки Олтиариқда у дунёдан туриб ҳам мурожаат қилинаверадими?!

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 40-моддасига кўра, туҳмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. *"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"*-ги қонуннинг 38-моддасига биноан эса мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек, туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади. Шундай экан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан юқоридаги ариза билан А.Маматовнинг ҳуқуқларини поймол этган ва марҳум Б.Тожибоевнинг имзосини сохталаштирган шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айни пайтда, кейинги йилларда жойларда сохта адолатпарварлик, ҳақиқатгўйлик мақсадида аризабозлик, мурожаатбозлик асосида айбсиз одамларнинг тинчини бузиш, қонун ҳимоячиларини чалғитишга уринишлар ҳам пайдо бўлмоқда. Эндиликда бундай ишларни амалга ошираётган кимсаларга нисбатан жиддийроқ чора кўриш учун қонун ҳужжатларига жиддийроқ ўзгартиришлар киритиш вақти етмадимикан?

**... "ташкилотчи"лар кимнидир алдаб имзо қўйдиришган бўлса, кўпгина фуқароларнинг имзосини эса сохталаштиришган. Ҳаттоки улар 2018 йил 7 декабрь куни вафот этган Бойдада Тожибоевнинг имзосини қалбакилаштиришдан ҳам тап тортишмаган. Фақатгина Б.Тожибоевнинг қариндош-уруғ, таниш-билиш ва маҳалла-кўй орасида "Қорабой" деган иккинчи исми ҳам бўлгани сабабли аризага "Тожибоев Қорабой 86 ёшда" дея қайд этилган. Ваҳоланки, 1936 йилда туғилган Б.Тожибоев 82 ёшда бўлган. У кишининг ўлими туман ФҲДЁ бўлимида 2018 йил 19 декабрда 863-сонли далолатнома ёзуви билан қайд этилиб, бу ҳақда I-FR № 0247281-рақамли ҳужжат берилган. Ариза эса 2019 йил 16 январда юборилган. Хўш, буни эшитиб куясизми, куласизми?**

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
**журналист**

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси кенгашнинг бош мутахассиси Хумора Гулмирзаевага волидаи муҳтарамаси

**Ҳадича ЗОКИРОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат
Халқ банки жамоаси юртдошларимизни
яшариш ва янгиланиш айёми –

Наврўзи олам

билан самимий табриклайди!
Юртимиз тинч,
хонадонларимиз файзли бўлсин!




Халқ банкидан байрам акцияси!

- Халқ банкидан халқаро "Visa" тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва смс хабарларга уланиш эса мутлақо бепул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

Телефонлар: (71) 200-00-55, (78) 120-17-70, 120-17-32

100096, Toshkent sh., Qatortol ko'chasi, 46 | +998 71 200-00-55 | @xalqbanki | www.xb.uz | info@xb.uz

Хизматлар лицензияланган

Мингбулоқ туманидаги
"ПАРПИЕВ МАҲАММАДЖОН"
балиқчилик хусусий корхонаси
жамоаси

жаннатмонанд Ўзбекистонимиз аҳлини
ҳамда хорижлик меҳмонларни ўлкамиз
узра кезаётган
янгиланиш ва яшариш айёми
Наврўзи олам
билан муборакбод этади.

Серқуёш диёримиз янада
гуллаб-яшнайверсин, обод ва фаровон
турмушимиз бардавом бўлсин!
Она замин билан тиллашиб, мўл-кўл ҳосил
яратишга бел боғлаётган бободеҳқон ва
фермерларнинг хирмонига ҳам
барака тилаймиз!

Хизматлар лицензияланган

Reklama

## ГАРВАРД УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИНИ РУҲЛАНТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ГАПЛАР АЙТИЛИШИНИ БИЛАСИЗМИ?

*Агар сен бугун пиёда юришни хоҳламасанг, эртага югуришга мажбур бўласан.*

***

*Келажаги учун нимадир қиладиган одам реалистдир.*

***

*Сенинг топадиган пулинг — олган билиминг даражасига пропорционал.*

***

*Бугун ҳеч қачон қайтиб келмайди.*

***

*Қийинчиликларсиз мақсадга етиб бўлмайди.*

***

*Ҳозир ухласанг, албатта, орзуларингни тушингда кўрасан. Агар уйқунинг ўрнига ўқишни танласанг, орзуларингни ҳаётда кўрасан.*

***

*Қачонки сен ҳаммасига жуда кеч бўлди деб ўйласанг, аслида ҳали эрта бўлади.*

***

*Ўқиш азоби — вақтинчалик. Билмаслик азоби — абадий.*

***

*Ўқиш — бу вақт сарфлаш эмас. Ўқиш — ҳаракат қилиш.*

***

*Ҳаёт фақат ўқишдан иборат эмас. Ҳаётнинг мана шу қисмини ҳам босиб ўта олмасанг, нимага ҳам қодир бўла олардинг?*

***

*Қийинчилик ва тинимсиз ҳаракатдан роҳатлан.*

IPOTEKA BANK

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси
республикамиз фуқароларини баҳорнинг шукуҳли айёми —
Наврўз байрами билан самимий
муборакбод этади!
Кўнглимизни яшаришга монанд кайфият
ҳеч қачон тарк этмасин!
Юрт фаровонлиги йўлида олиб бораётган шарафли,
шу билан бирга, масъулиятли фаолиятингизда
улкан муваффақиятлар тилайди.

Хизматлар лицензияланган.

## Алишер Навоий ижодида Наврўз таърифи

*Бу дамки эсиб насими Наврўз,*
*Гул атрини қилди мажлисафрўз.*
*Боғ ўлди баҳордин гулафшон,*
*Сунбул бу гул узра кокулафшон.*

*Бу фаслда азми гулшан этгай,*
*Бўстон ҳарамини маскан этгай.*
*Бор онинг учунки, шод бўлғай,*
*Ҳар бандиға бир кушод бўлғай.*

***

*Улус чеҳраи олам афрўзидин,*
*"Билур йил келишини Наврўзидин".*

***

*Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар*
*Наврўз ила байрам,*
*Чаман сарви ёшил хилъат,*
*менинг сарви равоним ҳам.*

## Огаҳий мактаби ташкил этилади

**Огаҳий ижод мактабига кимлар қабул қилинади?**

Огаҳий ижод мактаби она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ҳамда хорижий тилларга ихтисослаштирилади. Мактаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги давлат умумтаълим муассасаси ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Ижод мактабига иқтидорли ўқувчиларни саралаб олиш мақсадида она тили ва адабиёти, хорижий тиллар бўйича тест ҳамда ижодий танлов ўтказилади.

2019-2020 ўқув йилида Ижод мактабининг 5, 6, 7 ва 8-синфларига ҳамда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб 5-синфига 30 нафардан ўқувчи танлов асосида қабул қилинади.

Ижод мактаби учун Хива шаҳрида 220 ўринга мўлжалланган ўқув биноси, 100 ўринга мўлжалланган ётоқхона, 100 ўринга мўлжалланган ошхона қурилади.

2019 йил сентябрь ойида Ижод мактаби биноларида ўқувчилар таълим олиши кутилмоқда.

МУАССИС:
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибият — 71 288-42-14 (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (144); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15

Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов
Навбатчи — Бобиржон Тунгатов

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади — 3764
Босишга топшириш вақти — 21.45
Босишга топширилди — 22.45
Баҳоси келишилган нархда

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100043.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 4 5 6